



Инсон қадри қадриятга айланган

Бу йил истиқлолимизнинг, ҳурлигимизнинг ўттиз уч йиллигини нишонлаймиз. Ҳар йили бу улуғ байрамга давлат миқёсида катта тайёргарлик кўрилади. Шу йил 18 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Президент Қарорига биноан **“Бир бўлсак – ягона халқмиз, бирлашсак – Ватанмиз!”** деган бош ғоя асосида Мустақиллик байрами юқори савияда ўтказиляпти.

Мазкур ҳужжатда: “Барчамиз инсон қадри олий мезон бўлган янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида қўлга киритган зафарларимизни мустақил тараққиёт ғоясига ҳамиша содиқ, мард ва матонатли халқимизнинг фидокорона меҳнати, ақл-заковати ва бунёдкорлик салоҳияти маҳсули деб биламиз ва ана шундай олижаноб элнинг фарзандлари эканимиздан чексиз фахрланамиз”, деган сўзлар бор. Ҳақиқатан, бугун бу гаплар муболаға эмаслигини ҳар бир юртдошимиз кузатиб, эшитиб, кўплари эса ўзлари гувоҳи бўлиб турибди.

Шулар қаторида камина ҳам борлиги учун Аллоҳ таолога беадад шукрлар айтаман. Ўзбекистон аталмиш жаннатмонанд Ватанда истиқомат қиламиз. Бу фахр туйғуси менда ва бошқа ватандошларимизда бу йил, айниқса, Аллоҳ буюрган фарзларнинг бешинчиси бўлмиш ҳаж амалларини бажариш асносида яққол сезилди.

Ўн беш мингдан зиёд ҳожиларимиз Мадинаи мунаввардаёқ яратилган шароитлардан баҳраманд бўлишди. Табрик-қутловлар билан кутиб олиншимиз, самолёт ва автобуслардаги қулайликлар, кенг, шинам ҳамда деразаларидан Равзаи муборак кўриниб турадиган меҳмонхона, турфа озиқ-овқат

ту салқин ичимликлар билан тўла ошхоналар бизга мунтазир бўлди.

Мутасадди ташкилотлар раҳбарияти томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳ аъзоларининг фидокорона меҳнати, омонатдорлиги, меҳр-эътибори қалбларга ҳузур бағишлади.

Маккаи мукаррамада Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари раҳбарлигида Шайх Алижон қори, Фатво маркази ходимлари ва юртимизнинг бошқа уламолари ташкил этган суҳбатлар, савол-жавоблардан кўнгиллар тўлди, илм-маърифатимиз зиёда бўлди. Айниқса, муҳтарам Юртбошимизнинг ҳожилар ҳолидан хабар олиб, муфтий ҳазратлари билан телефон орқали мулоқот қилганлари тарихий воқеа бўлди.

Бу қувончли онлардан руҳланган барча ҳожилар Мино, Арафот ва Муздалифада юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишталигини тилаб ҳамда барча раҳбарларимиз ҳақиға хайрли дуолар қилишди.

Ўзга давлатлар ичра Имом Бухорий юртидан ташриф буюрган ўзбекистонлик ҳожилар учун кўрсатилган алоҳида эътибор, юксак савиядаги ҳозирликлардан фахр туйдик.

Мен ҳам Ватанимизнинг бахтиёр аёли сифатида ушбу унутилмас жараёнларда қатнашиб,

саккиз мингга яқин аёл-қизларимизга Ўзбекистон мусулмонлари идораси мутахассислари, Фатво марказининг етук уламолари илмий суҳбатлари, ўғит ва маслаҳатларини ҳамда аёлларга хос бўлган саволларга жавобларни етказар эканман, шундай юрт фуқароси, аёли, онаси бўлганимдан тўлқинландим.

Хаёлим олисларга – саодат асрига кетди: кўзда ёш ила Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳам ватанлари бўлмиш Маккани жуда севганларини ва ундан чиқиб кетар эканлар, она шахрига қараб бундай деганларини эсладим: **“(Эй Макка), сендан кўра менга севимлироқ ва суюклироқ шаҳар йўқ! Агар қавмим мени чиқармаганида асло сендан бошқа жойни макон тутмасдим”** (Имом Термизий ривояти).


Ҳаж арконларини мукаммал адо этиб, ўз юртига қайтган ҳар бир ҳожи айни кунларда жамиятимизда меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёшлар тарбияси ва оилалар тоғувлигида ибрат бўлишяпти.

Шоирахон ҚОСИМОВА,

Андижон вилояти бош имом-хатибининг хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчиси

Мундарижа

Инсон қадри қадриятга айланган	1
Ҳаё	3
Яхшилик каби ёмонлик ҳам тезлатилса... 4	
Қуръонда зикр қилинганмисиз?	6
Қиз боланинг меҳри	7
Умму Заръ ҳадиси.....	8
“Ичимга олов киргандек бўлди...”	10
Хатоларни ўчирадиган дуо	11
Икки белбоғ соҳибаси	12
Қуръондаги ҳукмлар фақат эркакларга хосми?.....	14
Ҳар қанча шукр қилсак – кам	16
Эй қизим	18
Аёлларга хос масалалар	19
Гулдаста	20
Опа-синглингизнинг кўнглига қаранг!	21
Соғлом она – соғлом бола.....	22
Одамлар билан қандай саломлашамиз?..	24
Ҳар бир амални ибодатга айлантириш мумкин.....	26
Уларни тирик етим қилманг!.....	27
Ҳар куни қандай савоб топасиз?.....	28
Бир кун... ..	29
Устозлик мақоми	30
Таълим ўзи нима?.....	31
50 ёшдан кейин... ..	32



Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимахуллоҳнинг “Иймон” китобида: “Диннинг асосий мақсадларидан бири – инсонга ёмонликнинг зарарларини баён қилиб, ундан асраб қолиш ҳамда ёмон йўлга кириб кетганларни тўғри йўлга чорлашдир. Тўғри йўлда юриш одоб-ахлоққа асосланган тараққиётга сабаб бўлади”, деган жумлалар бор.

Бундан англашиладики, тўғри йўлда юриш учун одобу ахлоққа таянишимиз, ўзимизда ушбу фазилатларни шакллантиришимиз лозим. Айниқса, ахлоқ асосларидан бўлган ҳаёни...

Ҳаё нима ўзи?

Унга уламоларимиз турлича таъриф беришган. Масалан, “Ҳаё иймондандир”, “Ҳаё одамзод ахлоқининг белгисидир”, “Киши мазаммат ёки маломатга қолишдан кўрқиб ўз нафсига қарши бориши – ҳаёдир” каби.

Ҳаёнинг бир неча тури бор:

- 1) Аллоҳдан ҳаё қилиш;
- 2) одамлардан ҳаё қилиш;
- 3) ўзидан ҳаё қилиш.

Булар инсонни гуноҳлардан, азиятлардан ҳимоя қилибгина қолмай, уни яхшиликлар сари етаклаб, саодат топишига сабаб бўлади.

Ҳаё, айниқса, хотин-қизларни янада гўзаллаштиради. Қўлини кўксига қўйиб саломлашиш, табассум билан ҳол сўраш, чақирганда “Лаббай!” дейиш, “Хўп бўлади”, дея бигор ишни астойдил қилиш

муслималаримизнинг кўрки, ютуғидир. Афсус, ҳозирга келиб айрим оилалар пароканда, ёшлар бахтсиз бўлишларига ана шу оддийгина муомала-муносабатлар, ҳаё отлиғ зийнатнинг камлиги ёхуд йўқлиги сабаб бўлмоқда.

Халқимизда “Ҳаёсизда вафо йўқ, вафосизда ҳаё йўқ”

Ҳаё

деган ҳикмат бор. Ҳаёли инсон хоҳ аёл, хоҳ эркак киши бўлсин, ҳамиша ота-онасига, қариндошу яқинларига, дўсту ёр, аҳли оиласига вафоли бўлади, уларга хиёнат қилишга Аллоҳдан ҳаё қилади. Аксинча бўлганда эса, оилалар парокандаликка юз тутарди. Жамиятда юзага келаётган муаммоларнинг бир сабаби ёшлар орасида ҳаё камайиб, йўқолиб бораётганидир.


“Агар уялмасанг, истганингни қил!” (Имом Бухорий ривояти) деган ҳадис бор. Унинг маъно-моҳияти жуда теран. Уятинг – кўркинг, обрўйинг, яхши инсон эканлигинг нишонаси. Уяти йўқдан эса ҳамма нарса ни кутиш мумкин. Ундайлар ёлғон гапиради, зино-

дан ҳазар қилмайди, омонатга хиёнат қилади, ғийбатдан орланмайди, одамлар орасига совуқчилик солади, тили ва қўли билан бошқаларга озор етказади. Бундайлардан эл безор. Қанийди, улар “Уят ўлимдан қаттиқ” деган нақлни тушуниб етсалар эди. Ҳаётимиздан андишасизлик деган тушунча йўқолармиди?

Буюк олим Аҳмад Зиёуддин Кумушхонавий “Мажмуатул аҳзоб” китобида ҳаё тўғрисида бундай ёзган: «Шубҳасиз, ҳаё иймондандир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Аллоҳдан ҳақ-рост ҳаё қилган бошини ва бошидаги аъзоларини, қорни ва қорнини ташкил этган аъзоларини муҳофаза этсин, ўлимни (ва тупроқ остида) чиришни ўйласин! Охиратни ўйлаган киши дунё ҳаётининг зеб-зийнатларини тарк этади. Ким шундай қилса, Аллоҳдан рўй-рост ҳаё этган бўлади”**, деганлар».

Аллоҳдан чинакам ҳаё қилиш барчамизга насиб этсин! Болалар қалбига ҳаё уруғларини экишга ҳамма ота-она муваффақ бўлсин!

Дилором КАРИМОВА,
филология фанлари
номзоди, доцент,
Юнусобод тумани
отинойиси



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

﴿وَلَوْ يُعَجِّلُ اللَّهُ لِلنَّاسِ الشَّرَّ اسْتِعْجَالَهُمْ بِالْخَيْرِ لَقَضَيْ إِلَيْهِمْ أَجَلُهُمْ فَنَذَرَ الَّذِينَ لَا يَرْجُونَ لِقَاءَنَا فِي طُغْيَانِهِمْ يَعْمَهُونَ. وَإِذَا مَسَّ الْإِنْسَانَ الضُّرُّ دَعَانَا لِجَنبِهِ أَوْ قَاعِدًا أَوْ قَائِمًا فَلَمَّا كَشَفْنَا عَنْهُ ضُرَّهُ مَرَّ كَأَن لَّمْ يَدْعُنَا إِلَى ضُرِّ مَسَّهُ كَذَلِكَ زَيْنٌ لِّلْمُسْرِفِينَ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ﴾.

“Агар Аллоҳ одамларга яхшилиқни тез келтиргани каби ёмонлиқни ҳам тезлатса эди, ажаллари битган бўлар эди. Бас, Биз ила мулоқотда бўлишдан умиди йўқларни туғёнларида ташлаб қўямиз: адашиб-улоқиб юраверадилар. Қачон инсон зотига зарар етса, Бизга ёнбошлаган, ўтирган ёки турган ҳолида дуо қилади. Ундан зарарни кеткизсак, худди ўзига етган зарар ҳақида Бизга дуо қилмагандек кетаверади. Ана шундай қилиб, исрофчиларга қилаётган амаллари зийнатлаб кўрсатилди” (Юнус сураси, 11–12-оятлар).

Яхшилиқ каби ёмонлиқ ҳам тезлатилса...

“Агар Аллоҳ одамларга яхшилиқни тез келтиргани каби ёмонлиқни ҳам тезлатса эди, ажаллари битган бўлар эди”. Яъни, Парвардигор яхшилиқни нақд қилгани каби ёмонлиқни ҳам тез келтирганида инсоннинг ажали етган бўларди. Одам дунёда заиф яратилса-да, охиратда боқий қоладиган бўлиб тирилади. Ўшанда унга азоб келса ҳам, ўлим сабаб қутула олмайдди. Чунки охиратда ўлим бўлмайди. Баъзилар айтади: “Аллоҳ таоло яхши дуони ижобат қилганидек, ёмон дуони ҳам ижобат қилганида эди, кишининг ажали етган бўларди”.

Ибн Исҳоқ айтади: “Оятда кофир назарда тутилмоқда. Аллоҳ кофирга мол-дунё ва бола-чақани кўпайтириб, тезлаштириб бергани каби куфри туфайли тезроқ азобланишини истаганида эди, жонини олган бўларди”. Муқотил раҳматуллоҳи алайҳ

айтади: «Мушриклардан Назр ибн Ҳорис: “Эй Худо, агар шу (Қуръон) даргоҳингдан келган ҳақиқат бўлса, устимизга осмондан тош ёғдир ёки бизга аламли азоб юбор”, деди. Агар Аллоҳ таоло унинг дуосини ижобат қилганида барча ҳалок бўларди».

Мужоҳид айтади: «Оят ғазаб устида ўзи, моли ёки бола-чақасига қарши баддуо қиладиган киши ҳақида нозил бўлган. У: “Аллоҳим, уни жувонмарг қил, балога йўлиқтир, Сенинг лаънатинг бўлсин!” деб баддуо қилади. Парвардигор унинг яхши дуосини ижобат қилгани каби ёмон дуоси ижобатини тезлаштирганида инсонларнинг барчаси ҳалок бўларди».

Ояти карима айрим инсонлардаги бадхулқликни қоралаш учун нозил бўлган. Бундай инсонлар яхши дуо қилади ва дуолари тезроқ ижобат бўлишини хоҳлайди. Баъзан уларнинг бад-

хулқликлари ёмон дуо қилишга ундайди. Аллоҳ таоло, яхшиямки, дуоларини тезда ижобат қилмайди. Акс ҳолда ҳалок бўлар эдилар.

Уламолар ғазаб ҳолатида қилинган дуонинг ижобат бўлиш ё бўлмаслиги ҳақида ихтилоф қилишган. Шаҳр ибн Ҳавшаб айтади: «Аллоҳ таоло фаришталарига: **“Бандаларимнинг ғазабда ўзига қарши гапларини ёзмаг”**, дейди».

Имом Муслимнинг “Саҳиҳ”идаги ҳадисга асосланиб, уламолар ғазаб ҳолатидаги дуоларнинг барчаси ижобат бўлади, дейдилар. Жобир розияллоҳу анҳу айтади: «Пайғамбаримиз алайҳиссалом билан Батни Бувот ғазоти-га чиқдик. У зот Маждий ибн Амр Жуҳанийни қидирдилар. Ўша куни туяга беш, олти ё етти киши навбатлашиб миниб келардик. Ансорлардан бир киши навбати келганда туясига минди. Туя юр-

май тўхтаб қолаверди. У жаҳл қилиб: “Юрсанг-чи, Аллоҳнинг лаънати бўлсин сенга!” деди. Шунда Набий алайҳиссалом: “Туясини лаънатлаётган ким бўлди?” дедилар. Ҳалиги одам: “Ё Расулуллоҳ, мен”, деди. Набий алайҳиссалом: “Туядан туш ва лаънатланган ҳайвон билан бизга ҳамроҳ бўлма”, дедилар. Сўнгра: **“Ўз зарарингизга дуо қилманг, болаларингиз зарарига дуо қилманг, мол-мулкингиз зарарига дуо қилманг, Аллоҳдан сўралганда бериладиган вақтга тўғри келиб қолмасин тағин”**, дедилар». Бошқа бир ривоятда Набий алайҳиссалом: **“Туянгни ўзингдан узоқлаштир, у ҳақда қилган баддуонг ижобат бўлди”**, деганлар.

“Бас, Биз ила мулоқотда бўлишдан умиди йўқларни туғёнларида ташлаб қўямиз”. Аллоҳ таоло Ўзи билан мулоқотда бўлишдан умиди йўқларга ёмонликни тезлаштириб бермайди. Балки уларнинг айримлари тавба қилар, балки зурриётларидан мўмин бандалар туғилар.

Олимлар оят Макка аҳли ҳақида нозил бўлган, дейдилар. Макка аҳли: “Эй Худо, агар мана шу (Қуръон) Сенинг даргоҳингдан келган ҳақиқат бўлса, устимизга самодан тош ёғдиргин ёки бизларга аламли азоб келтиргин”, деган.

Уламолар: **«“Инсон зоти”дан мурод кофирдир**», дейдилар. “Оятда мушрик Абу Ҳузайфа ибн Муғира назарда

тутилган. Унга жуда кўп бало-мусибат етган”, деб айтадиганлар ҳам бор.

“Бизга ёнбошлаган, ўтирган ёки турган ҳолида дуо қилади”. Инсонга касаллик, фақирлик ёки бошқа бир мусибат етса, Аллоҳдан паноҳ сўраб, гўё ҳақиқий тавба қилгандек бўлади.

Оятда инсоннинг барча ҳолати зикр қилинди. Одатда қаттиқ қийналган киши ётиб дуо қилади. Балки у туришга ҳам ҳоли келмайдиган кимса бўлиши мумкин. Кейинги галда ўтириб, ундан сўнг тик туриб дуо қилаётган одам муҳтожроқдир.

“Ундан зарарни кеткизсак, худди ўзига етган зарар ҳақида Бизга дуо қилмагандек кетаверади”. Яъни, куфрида бардавом бўлади, Аллоҳга шукр қилмайди, ваъз-насиҳатни олмайди, бўлиб ўтган воқеалардан хулоса чиқармайди. Имом Қуртубий оятни мушрикларга ҳам, осий мусулмонларга ҳам тегишли, деган.

“Ана шундай қилиб, исрофчиларга қилаётган амаллари зийнатлаб кўрсатилди”. Мушрик ва ғофил мусулмоннинг ҳоли шундай. Мусибат ва балога учраганда Аллоҳга ёлвориб дуо қилади. Қутулганида эса Аллоҳга шукр қилиш ва Унинг йўлида юришни бутунлай унутади.

Ушбу икки оят қуйидагиларга далолат қилади:

1. Аллоҳ таоло бандаларига раҳмлидир. Мўминга ҳам,

мушрикка ҳам бирдек неъматларини беради. Яхши ниятларини тезда ижобат қилади. Ёмонларини кечиктиради.

2. Оятлар инсонни ёмон хулқидан огоҳлантирмоқда. Киши ўзи ёки яқинлари ё бошқаларни дуо-ибад қилишдан сақланиши лозим. Чунки баддуо ҳам ижобат бўлиши мумкин. Чин мўмин эса лаънат айтувчи бўлмайди.

3. Аллоҳ таоло ҳикмати ила инсонга муҳлат беради. Унинг куфри, исёнига сабр қилади. Ҳар бир банда ўзига муҳлат берилаётганини сезиши ва тўғри йўлга тезроқ қайтиши лозим.

4. Мўмин ҳам, мушрик ҳам мусибат келганда Худога ёлворади. Чунки инсон келган ёмонликка чидай олмайди, тезроқ қутулишни истайди. Лекин осий ва фосиқ кимса балодан қутулганида Аллоҳ уни қутқарганини унутади, яна фужурда давом этади. Чин мўмин уни саломат қилган Раббига шукр қилади. Ибодатини канда қилмайди.

5. Инсонга мусибат етганда дуо қилиш зийнатлаб кўрсатилгани каби балолардан қутулиб, омонликка чиққанида юз ўгириб кетиш, ҳеч нарса бўлмагандек, унутиб юбориш зийнатлангандир. Зийнатловчи нафс ва шайтондан узоқ бўлиш мўминга хосдир.

*Тафсир китоблари асосида
Тошкент ислом институти
“Ақоид ва фикҳий фанлар”*

*кафедраси
катта ўқитувчиси
Сурайё МУРОДЖОН
қизи тайёрлади.*

Аҳнаф ибн Қайс раҳимаҳуллоҳнинг хаёлига Қуръондаги **“Дарҳақиқат, сизларга Китоб (Қуръон) нозил қилдик. Унда сизларнинг зикрингиз бордир. (Бунинг) англамайсизми?!”** (Анбиё сураси, 10-оят), деган оят келди. Шунда: “Менга Мусҳафни келтиринг. Ундан зикримни қидирай. Ким эканим

(Ҳашр сураси, 9-оят). Яна бошқа бир қавм ҳақида мана бу оятни ўқиди: **“Улар катта гуноҳлардан ва бузуқликлардан четланадиган, ғазабланган вақтларида эса кечириб юборадиган зотлардир”** (Шўро сураси, 37-оят). Сўнгра тавозе ила айтдики: “Ё Аллоҳ! Мен ўзимни буларнинг даражасида деб билмайман”.

Келинг, биз ҳам Қуръони каримда зикр этилган тоифалар орасидан ўзимизни излаб кўрамиз!

Аллоҳ таоло: **“Мўминлар нажот топдилар”** (Мўминун сураси, 1-оят), деган. Улардан бўлишга интилинг!

Аллоҳ таоло: **“Огоҳ бўлингизки, албатта, Аллоҳнинг валийлари (дўстлари)га хавф йўқдир ва улар ташвиш ҳам чекмаслар”** (Юнус сураси, 62-оят), деган. Сиз қачон уларнинг сафида бўласиз?

Аллоҳ таоло: **«Раҳмоннинг (суюкли) бандалари ерда камтарона юрадиган, жоҳил кимсалар (бемаъни) сўз қотганда “Саломатлик бўлсин!” деб жавоб қиладиган кишилардир»** (Фурқон сураси, 63-оят), деган. Сиз қандай ҳолда юрасиз?

Аллоҳ таоло: **“Менга дуо қилингиз, Мен сизлар учун (дуоларингизни) ижобат қилай!”** (Ғофир сураси, 60-оят), деган. Сиз Аллоҳга дуо қиладиганларданмисиз?!

Аллоҳ таоло: **“Эй иймон келтирганлар! Сабр ва намоз билан (Мендан) ёрдам сўрангиз! Албатта, Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир”** (Бақара сураси, 153-оят), деган. Сиз бу икки нарсани ила мадад сўрайсизми?!

Қуръони каримни тадаббур ва хушу ила ўқийлик! Зеро, унда ҳамма зикр қилинган. Фақат биз қайси тоифадан эканимизга диққатли бўлайлик...

Ҳассон ШАМСИЙ

ПОШОНинг

“Оқшом гўзалликлари” асаридан.

Қуръонда зикр қилинганмисиз?

ва кимга ўхшашимни билишни истайман”, деди.

Мусҳафни ўқир экан, бир қавм ҳақида ушбу оятларни ўқиди: **“(Улар) туннинг озгина (қисмидагина) ухлар эдилар. Сахарларда улар (Аллоҳдан) мағфират сўрар эдилар. Уларнинг мол-мулкларида тиланчи ва маҳрум (муҳтож) кишилар учун (ажратилган) ҳақ (улуш) бўлар эди”** (Зориёт сураси, 17–19-оятлар). Бошқа бир қавм ҳақида қуйидаги оятни ўқиди: **“Улар (мазкур тақводорлар) фаровонлик ва танглик кунларида ҳам хайр-садақа қиладиган, ғазабларини ютадиган, одамларни (хато ва камчиликларини) афв этадиганлардир”** (Оли Имрон сураси, 134-оят). Яна бир қавм ҳақида мазкур оятни ўқиди: **“...ўзларида эҳтиёж бўла туриб, (эхсон қилишда бошқа муҳтожларни) ихтиёр қилурлар. Кимки ўз нафси бахиллигидан сақлана олса, бас, ана ўшалар (охиратда) нажот топувчидирлар”**

Кейин яна ўқишда давом этди ва бир қавм ҳақида ушбу оятни ўқиди: **“... уларга: “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ”, дейилганда кибрланган эдилар»** (Соффот сураси, 35-оят). Яна бир қавм ҳақида қуйидаги оятни ўқиди: **«(Улар дўзах аҳлига): “Сизларни Сақарга нима киритди?” (деганларида) улар айтурлар: “Бизлар (дунёда яшаганимизда) намозхонлардан эмас эдик, мискинга (Аллоҳ бизга берган бойликдан) таом берувчи ҳам бўлмадик”»** (Муддассир сураси, 42–44-оятлар). Сўнгра у зот: “Ё Аллоҳ! Мени бу тоифалардан нари қилишингни сўрайман!” деди.

Кейин ушбу оят қалбига жой бўлди: **“Яна бошқалари ҳам борки, гуноҳларини тан олурлар. Яхши ишни бошқаси – ёмонига аралаштириб юборганлар. Аллоҳ уларнинг тавбаларини, шояд, қабул қилса. Албатта, Аллоҳ кечиримли ва раҳмлидир”** (Тавба сураси, 102-оят). Сўнгра: “Ё Аллоҳ! Мен мана шу тоифаданман!” деди.



Қиз боланинг меҳри

Ҳали-ҳанузгача қиз фарзанд дунёга келганини эшитган баъзи кимсалар хафа бўлишадди. Хўш, замонавий илм-фанда фарзанднинг ўғил ёки қиз эканини танлаш имкони борми ўзи?!

Йўқ!

Унда норозилик нечун? Баъзи одамларнинг зеҳнларига ўрнашиб қолган жоҳилликдан!

«Ўғил хабарини кутиб турган отага қиз фарзандли бўлгани айтилди. Бу унга чақмоқдай зарба берди. Ҳолбуки, Аллоҳ таоло унга чиройли қизалоқ берганди. Исмини Юср қўйишди. Бир ёқда онаизор хавотирдан тушкунликка тушган, кўзлари жикқа ёшга тўлганди. Гўёки у жиноятга қўл ургандай...

Қизча катта бўлар экан, отаси унга парво ҳам қилмасди. Одатда ота-оналарнинг фарзанди илк эмаклаган, қадам ташлаган, гапиришни бошлаган дамларида изҳор қиладиган хурсандчиликларидан у қизча маҳрум эди.

Бир куни отаси уйғонганида қизча яноқларини унинг кўксига қўйиб ухлаётганини кўрди. Илк марта қизчасига оталик меҳри ила боқди. Ишдан қайтишда дўкон олдида тўхтади. Ширинликлар сотиб олди. Уйга келганида аёли эшикни очар-очмас, отаси шифохонага тушиб қолганини айтди

ва боришга рухсат сўради. Қизалоқнинг онаси шифохонага кетди. Ота ва қиз уйда ёлғиз қолишди. Ота қизига биринчи марта ширинлик олиб келган эди. Қизалоқ ширинлик солинган идишни қучоқлаганча катта хазинага эга бўлгандай



сакраб ўйнардди. Отаси ширинликлардан бирини очиб, қизининг оғзига солди.

У дамлар ота учун синов даври эди. Телевизорда фонд биржалари ҳақида кузатаркан, ҳар кунгидек ўзига инсулин дорисини юборди. Иштаҳаси йўқ, овқат ейишни хоҳламас, хаёли нархларнинг кўтарилиб кетиши ва тижорати зиёнга кириши мумкинлигида эди. Толиқиб, қаттиқ терлади. Қўллари қалтирай бошлади. Юраги тез уриб, кўзлари орқага кетди. Дунё қоронғулашди. Қўллари телефонга узатганча ерга йиқилди. Ўлим оstonасида тур-

ганини ҳис қиларди. Бир вақт унга кимдир яқин келди. У қизалоғи Юср эди. Қизалоқ отаси атрофида гирдикапалак бўлар, нима қилишни билмас, бақириб йиғларди. Сўнг оғзидан конфет бўлакчасини чиқарди. Зотан, ундан бошқа нарсаси ҳам йўқ эди. Уни отасининг оғзига солиб қўйди ва қўллари билан бошини қучоқлаб, юз-кўзидан ўпиб, сийпалади.

Отанинг юзларига қон югуриб, секин-аста ўзига кела бошлади. Ўша вақтда онаси қайтиб келди ва эри ерда ётганини кўрди. Шу заҳотиёқ “Тез ёрдам” чақирди. Шифокор етиб келиб, уни текширди ва: “Қанд миқдори кескин тушиб кетибди. Сал қолса, ҳаётидан ажралиб қолиши мумкин эди. Лекин Аллоҳнинг изни ила мана шу ширинлик унинг ҳаётини қутқариб қолибди”, деди.

Бу гапни эшитган ота худди ёш болалардек йиғлади. Қизалоғини ўпа бошлади. Бундан кўриб аёли ҳам йиғлади. Ота қизига: “Мени кечир, қизалоғим! Аллоҳим, мени кечир! Сенга ҳамдлар бўлсин! Қизим ҳаётимни сақлаб қолибди”, дер эди...

Хулоса ўзингиздан!

**Ғиёсиддин
ҲАБИБУЛЛОҲ**
таржимаси

Ойша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Ўн бир аёл ўтириб, ўз эрлари ҳақида бир-бирларидан ҳеч нарсани бекитмасликка аҳду паймон қилишди.

Биринчи аёл: “Менинг эрим тоғ устидаги озғин туя гўштидир. Паст эмаски, олдига чиқилса, семиз эмаски, рағбат қилинса”, деди.

Иккинчи аёл: “Менинг эрим, (яхшиси,) унинг ха-

Тўртинчи аёл: “Менинг эрим Тихоманинг кечасига ўхшайди. Иссиқ ҳам эмас, совуқ ҳам эмас. Хавфи ҳам йўқ, малоли ҳам йўқ”, деди.

Бешинчи аёл: “Менинг эрим агар уйда бўлса, йўлбарс, ташқарида бўлса, шер. Билган нарсасини сўрамайди”, деди.

Олтинчи аёл: “Менинг эрим таомни паққос туширади. Шарбатни охиригача

лашдек гап. Ҳиди эса заъфаронникига ўхшайди”, деди.

Тўққизинчи аёл: “Эримнинг устунлари баланд, қиличининг сопи узун, қули кўп, уйи гапхонага яқин”, деди.

Ўнинчи аёл: “Менинг эрим молиқдир. Молик бўлганда ҳам қандоқ?! Сен айтганлардан яхши молиқдир. Унинг туялари кўрада кўп туриб, яйловга оз чиқади. Қачон уднинг овозини эшитсалар,

Умму Заръ ҳадиси

барини тарқатмайман. Чунки ҳеч нарсани қўймай айтишимдан қўрқаман. Агар айтадиган бўлсам, ичкию ташқи айбларини айтаман”, деди.

Учинчи аёл: “Эрим – новча, сўтак, қилиғи совуқ. Агар (сифатини) нутқ қилсам, талоқ қилинаман. Агар айтмай, сукут қилсам, муаллақ қоламан”, деди.

сипқоради. Ёнбошласа, ўраниб олади. Хоҳишни билиш учун қўлини теккизиб ҳам кўрмайди”, деди.

Еттинчи аёл: “Менинг эрим эси паст, мизожи суст, иши юришмаган, нима дардики бўлса, унда бор. У (бошингни) ёради ва (жисмингни) жароҳатлайди”, деди.

Саккизинчи аёл: “Менинг эримни ушлаш қуённи уш-

ўзларининг ҳалок бўлишига ишонч ҳосил қилурлар”, деди.

Ўн биринчи аёл: “Менинг эрим Абу Заръдир. Абу Заръ бўлганда ҳам қулоғимни тақинчоққа тўлдирган, икки билагимни ёғга тўлғизган Абу Заръдир. У мени улуғлади, ўзимга ўзим улуғ бўлиб кўриндим. У мени олганда аҳлим кичик жойда оз қўй сақлар эди. Унинг ҳузурда сўзласам, сўзим ёмон олинмади. Ухласам, тонггача ухлайман. Ичсам, тўйиб ичаман.

Абу Зарънинг онаси қандоқ она! Унинг юк сандиғи оғирдир, уйи кенгдир. Абу Зарънинг ўғли қандоқ ҳам ўғил! Ётар жойи бўйра учун пўстлоқ сидириб олинган жой. Бир улоқнинг қўли уни тўйғазади. Абу Зарънинг қизи отасига, онасига итоат-



кор қиз. Кийимини тўлдирган қиз. Кундошини куйдирган қиз. Абу Зарънинг чўриси қандоқ ҳам чўри! Гапимизни ҳеч тарқатмайди. Таомимизни ҳеч бузмайди. Уйимизни қуш уясига ўхшатиб, хас-чўпга тўлдирмайди.

Абу Заръ сут мешлари чайқатилиб турганда ташқарига чиқди. У икки боласи худди икки йўлбарсча каби икки анорини ўйнаб турган аёлни кўрди. Мени талоқ қилиб, уни никоҳлаб олди.

Ундан кейин бир шарафли кишига никоҳландим. У учқур от минган, найза тутган эди. У менга кўп неъматларни тўкиб ташлади. У менга ҳар турли ҳайвондан жуфтлаб берди ва: “Эй Умму Заръ! Ўзинг егин, аҳлингга ҳам бергин!” деди. (Аммо) унинг менга берган ҳамма нарсаси Абу Зарънинг энг кичик идишича ҳам бўлмади”, деди».

Ойша: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Мен сен учун Абу Заръ Умму Заръга қандоқ бўлса, шундоқ бўлдим”**, дедилар”, деди» (Икки Шайх ва Имом Насоий ривояти).

Бошқа бир ривоятда: **“Мен сенга улфат ва вафода Абу Заръ Умму Заръга қандоқ бўлса, шундоқман, фироқ ва жафода эмас”**, дейилган.

Шунда Ойша розияллоҳу анҳо: “Ота-онам сизга фидо

бўлсин, эй Аллоҳнинг Расули! Сиз мен учун Абу Заръ Умму Заръга бўлгандан яхшисиз”, деган.

Ушбу ҳадиснинг “Умму Заръ ҳадиси” деб номланишига икки сабаб бор. Биринчиси, ўн бир аёлнинг ичидан энг охиргиси Умму Заръ ўз эрини қойилмақом тарзда мақтаганидан ва исмини айтиб зикр қилганидан бўлса, иккинчиси, Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг Умму Заръни зикр қилганларидир.

Мазкур ҳадисдан қадимги аёлларнинг ақл-заковати, балоғат, фасоҳат ва киноя услубларидаги маҳоратлари ўз аксини топган. Энг муҳими, аёлларнинг эркакларга нисбатан бўлган ички дунёси очиқ-ойдин баён этилган.

Мазкур ўн бир аёл кимлар эканини баҳс қилиб топишга уринган уламолар ҳам бўлган. Уларнинг баъзилари ўша аёлларни яманлик, деган бўлсалар, бошқалари маккалик, дейишган. Аёллардан кўпларининг шахслари ҳам аниқланган. Уларнинг баъзилари яманлик, баъзилари маккалик бўлишган.

Баъзи ҳолларда аёллар тўпланиб қолишса, уларнинг ўзларига хос суҳбат қизигандан қизийди. Ўша ўн бир аёл ҳам эрлари ҳақидаги гапларни яширмай, очиқ-ойдин айтишга тушадилар.

Ўн бир аёлнинг ичида эри ҳақида энг узоқ сўз юритгани Умму Заръдир.

Ушбу ҳадисда зикр қилинган эрларнинг ичида хотинига энг ёққани, албатта, Абу Заръ бўлган. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу гаплар зикр этилганидан кейин Ойша онамизга: **“Мен сен учун Абу Заръ Умму Заръга қандоқ бўлса, шундоқ бўлдим”**, деганлар.

Ушбу ҳадисдан уламоларимиз кўпгина фойдалар чиқаришган:

1. Шахси маълум бўлмаган аёлнинг яхши фазилатларини васф қилиш мумкинлиги.

2. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ойша розияллоҳу анҳога қилганларидек, эркак аёлига муҳаббат изҳор қилиб, унинг кўнглини кўтариб туриши яхшилиги.

3. Агар шариятга хилоф бўлмаса, бошқа уммат вакиллариининг яхши фазилатларидан ўрнак олиш жоизлиги.

4. Аёл киши эрининг яхшиликларига шукр қилиши лозимлиги.

Аёлларнинг ўз эрлари ҳақида чин кўнгилдан чиққан мулоҳазаларини диққат билан ўрганиш ҳар бир эркак ва аёл учун фойдадан холи бўлмайди.

“Ҳадис ва Ҳаёт”дан қисқартириб олинди.

“Ичимга олов киргандек бўлди...”

Қабулга келган аёл жуда тушкунликка тушиб қолган эди. У: “Мен фолбинман. Хасталаниб қолганимда қайнонам саломатлигимдан хавотир олиб, қўшнимизнинг маслаҳати билан уйга бир “домла”ни олиб келди. Ажабтовур кийиниб олган кишининг гапларидан ҳайратга тушдим. Аждодларимиз илми инсонлар бўлишганини айтиб, “фотиҳа” олишимни, қора кўчқор сўйиб, қонини ичишим кераклигини тушунтирди. Кўчқор сўйилди, қонидан менга бир пиёла ичиришди, ичимга олов киргандек бўлди. Одамларни қабул қилишимни айтиб, чиқиб кетди.

Мен одамларни қабул қила бошладим. Кўзимга ҳар хил нарсалар кўринарди. Аммо аҳволим яхши эмас. Хаёлимда гўё икки фарзандимни ҳам боғлаб ёқиб юборишдек шум ният чарх урарди. Опа, ёрдам сўраб келдим...” деди.

Аёлга саломатлиги борасида мутахассис шифокорларга учрашиши кераклиги, шунингдек, фол-

бинлик улкан гуноҳлиги тушунтирилди.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда марҳамат қилади: **“Аллоҳни қўйиб, фойда ҳам, зарар ҳам етказа олмайдиган нарсаларга илтижо қилманг! Агар шундай қилсангиз, унда, албатта, сиз зolimлардандирсиз. Агар Аллоҳ сизга бирор зарар етказса, бас, Унинг Ўзидан бошқа уни кетказадиган (куч) йўқдир. Агар сизга бирор яхшилик (етказиш)ни истаса, Унинг фазлини қайтарувчи (куч) ҳам йўқдир. Уни (фазлини) бандаларидан хоҳлаганига етказур. У кечиримли ва раҳмли Зотдир”** (Юнус сураси, 106–107-оятлар).

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадисда: **“Ким фолбиннинг ё сеҳргар-жодугарнинг ёки коҳин-фолбин (жинларим бор, одамларим бор, руҳлар билан гаплашаман, деб шариятга зид йўллар билан одамларга дам солувчи)нинг олди-га бориб, унинг айтганларини тасдиқласа, албатта, Муҳаммадга но-**

зил қилинган (Қуръон)га кофир бўлибди” (Имом Абу Довуд ривояти), дейилган.

Аёлга керакли маслаҳатлар билан бирга зарур китоблар ҳам ҳадя қилинди. У китобларни олиб, албатта, ўқиб чиқшини, гуноҳи учун тавба қилишини айтди.

Анча вақт ўтгандан кейин ҳалиги аёл яна қабулга келди. У таниб бўлмас даражада ўзгарган эди: «Опа, мен Аллоҳга астойдил тавба қилдим. Одамларни қабул қилишни тўхтатдим. Китобларни қайта-қайта ўқиб чиқдим. Аллоҳ менга синовлар берди. Тўрт марта жарроҳлик амалиёти ўтказдим. Узоқ вақт жарроҳлик столида ётдим. Хушимга келганимдан кейин мени операция қилган шифокор: “Иймонингизга ҳавасим келди. Тўрт соат операция давомида тинмай таҳлил айтдингиз. Мен бундай беморни кўрмаганман”, деди».

Инсон тушкунликка тушиб қолса, ечимини фолбинлардан кутмаслиги керак. Қуръон қалб ши-

фоси бўлгани боис уни тиловат қилиш ёки эшитиш, доим тоат-ибодатда бўлиш керак. Бошимизга бирор ташвиш тушганида фақат Аллоҳдан мушкуллар ечимини сўраб дуо қилиш, натижани кутишда ўта сабрли бўлиш талаб этилади.

Фолбинлар олдида келган инсонларнинг ишончини орттириш учун улар “Бўйнимга олганман”, “Одамларим менга айтдики...”, “Кўзимга кўриняпти”, “Руҳлар билан гаплашаман” ва шунга ўхшаш турли гаплар билан бошқалар эътиборини ўзига қаратишади. Аслида, “одамларим, париларим, маклларим (малоикалар), жинларим” ва шунга ўхшаш сўзларни ўзларига одат қилиб олган инсонларнинг ўзлари шифога муҳтож.

Мўмин киши шубҳали барча нарсалардан узоқ туриши керак. Ҳар бир синов, дард, мусибатда Аллоҳ таолонинг Ўзигагина илтижо қилиш шарт.

**Мунира
АБУБАКИРОВА,**
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
хотин-қизлар
масалалари бўйича
бўлим етакчи
мутахассиси



Хатоларни ўчирадиган дуо

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Ким “Лаа илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ʼала кулли шайʼин қодийр”, деб бир кунда юз марта айтса, ўнта қул озод қилгандек бўлади. Унга юзта яхшилик ёзилиб, юзта ёмонлиги ўчирилади, тонг отгандан то кеч киргунича шайтондан омонда бўлади. Унинг бу амалидан афзалроқ ишни ҳеч ким қила олмайди. Фақат шу калималарни кўпроқ айтган киши ўзиб кетади»**, дедилар.

Яна у зот: **«Ким “Субҳаналлоҳи ва биҳамдих”, деб бир кунда юз марта айтса, хатолари денгиз кўпигича бўлса ҳам, ўчирилади»**, дедилар (Муттафақун алайҳ).

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Ким тўшагига ётаётган пайтда: “Лаа илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ʼала кулли шайʼин қодийр. Ва лаа ҳавла ва лаа қуввата илла биллаҳ. Субҳаналлоҳи, валҳамдулиллаҳи, ва лаа илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар”, деса, гуноҳлари (ёки хатолари) денгиз кўпигича бўлса ҳам, кечиб юборилади»**, дедилар (Имом Ибн Сунний ривояти).

Маъноси: “Якка Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Унинг шериги ҳам йўқ. Мутлақ мулк Уники ва ҳамд ҳам Унга хосдир. У ҳар бир ишга қодирдир. Аллоҳдан бошқада ўзгартириш ва қувват йўқ. Аллоҳни поклаб ёд этаман, Аллоҳга ҳамд бўлсин, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Аллоҳ улуғдир”.

Икки белбоғ соҳибаси

Асмо бинти Абу Бакр розияллоҳу анҳо – Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қайнсингиллари. Ҳазрат Ойша розияллоҳу анҳонинг ота бир опаси. Ҳижрат асносида ўзининг юксак фаҳми, уддабуронлиги билан хизмат қилган фидойи аёл. Илк мусулмонлардан...

Асмо бинти Абу Бакр розияллоҳу анҳо ҳижратдан йигирма етти йил аввал, 595 милодий санада Маккада туғилди. Отаси Абу Бакр Сиддиқ, онаси Қутайладир. Асмо Исломни қабул қилган илк 18 мусулмонлардандир.

Бир куни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам иссиқда уйлари томон келаётганларини кўрди. Дарҳол эшикни очишга югурди ва отасига: “Расулуллоҳ келяптилар!” деди. Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу: “Ота-онам у зотга фидо бўлсин! Бирор жиддий сабаб бўлмаса, бу пайтда келмасдилар”, деди ва ичкарига таклиф этди. У зот ичкарига киргач: “Ёнингдагилар чиқиб турса...” дедилар. Абу Бакр розияллоҳу анҳу эса: “Ё Расулуллоҳ, улар икки қизим. Сир сақлашни биладилар. Бегона йўқ”, деди. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом Аллоҳ таоло ҳижратга изн берганини, биргаликда Мадинага кетишларини билдирдилар. Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу йўлдошликка танланганини эши-

тиб, севинч кўз ёшларини тута олмади. Ҳозирлик бошланди, қизлар йўлга озуқа тайёрлашга киришишди. Теридан ясалган хуржунга озиқ-овқат солинди, бир меш сувга тўлдирилди. Хуржун оғзини боғлаш учун ип топа олмадилар. Шунда Асмо розияллоҳу анҳо белидаги белбоғини иккига бўлиб, бири билан хуржуннинг, иккинчиси билан мешнинг оғзини боғлади. Икки олам сарвари унинг бу жонкуяр ва самимий ҳаракатини кузатиб мамнун бўлиб: **“Эй Асмо! Аллоҳ бу белбоғинг эвазига сени жаннатда иккита белбоғ билан сийласин!”** дедилар. Шундан кейин у “зотун ни тоқайн” – “икки белбоғ соҳибаси” деган ном олди.

Асмо ҳижрат асносида фидокорлик кўрсатди. Тунда йўлга чиққан Расулуллоҳ алайҳиссалом билан отасини мушриклар таъқиб этаётганди. Тонг отгач, Абу Жаҳл бошчилигидаги мушриклар эшик олдига келишди. Асмо розияллоҳу анҳо улар билан юзма-юз келди. “Отанг қаерда, эй Абу Бакрнинг қизи?!” дея сўрашди улар. “Билмайман!” деб жавоб берди Асмо розияллоҳу анҳо. Кин, нафрат ва ғазабдан ўзини боса олмаган Абу Жаҳл унинг юзига мушт туширди. Зарбдан Асмонинг зираклари узилиб тушди. У отаси ва Расулуллоҳнинг қаерга кетганларини айтмади. Қиздан ҳеч нарса била олмас-

ликларини тушунган мушриклар вақтни бой бермаслик учун қайтиб кетишди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва Абу Бакр розияллоҳу анҳу Мадинага боргач, одам юбориб, ҳар икки оиланинг қолган аъзоларини олиб келдилар.

Асмо розияллоҳу анҳо Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу билан оила қурди. Иккаласи ҳам бир-бирининг тенги эди. Иккаласи ҳам Ислом учун жонини фидо қилишга тайёр. Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу тириклигидаёқ жаннатийлиги башорат қилинган ашарай мубашширадан. Ҳазрат Асмо эса Пайғамбаримиз илтифотларига сазовор бўлган саҳобия. Уларнинг никоҳларини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўқидилар. Бу никоҳдан ўғил фарзанд дунёга келди. Бу муҳожирларнинг Мадинада туғилган биринчи боласи эди. Унинг туғилиши мусулмонларни жуда қувонтирди. Чунки яҳудийлар муҳожирларга илму амал қилганлари, ҳеч қачон уларнинг болалари бўлмаслиги ҳақида гап-сўз тарқатаётган эди. Абдуллоҳнинг туғилиши бу даъвонинг тўғри эмаслигини кўрсатди.

Бу оилада жами беш ўғил ва уч қиз дунёга келди. Ўғиллари Абдуллоҳ, Урва, Мунзир, Осим, Муҳожир. Қизлари эса Хадичатул Кубро, Умму Ҳасан ва Ойша.

Асмо розияллоҳу анҳо оилавий ҳаётининг илк даврида моддий қийинчиликларга йўлиқди. Ўзи бундай деган: “Зубайр менга уйланганида на пули, на хизматкори бўлмаган. Фақат оти ва ери бор эди. Отини боқардим, уй ва боғда ишлардим. Хурмо данакларини майдалаб, ем ҳолига келтирардим. Нима керак бўлса, қилардим. Узоқ жойлардан сув таширдим”.

У қўли очиқ, қалбан бой аёл эди. Пайғамбар алайҳиссалом унга: **“Эй Асмо, қўлингни бўйнингга боғлаб олма! Акс ҳолда Аллоҳ таоло сенга нисбатан бўлган эҳсонини боғлайди”**, деганлар. У бу сўзларни ўз ҳаётига мезон қилиб олди. Эҳтиёжидан ортиқ нарсани ўзида олиб қолмасди, фақир-фуқароларга тарқатарди. Ўртаҳол ҳаёт кечирар, болаларига ҳам жўмард бўлишларини тавсия қиларди: **“Мол-дунёнгизни Аллоҳ йўлида сарф этинг. Садақа беринг. Бир хайрли ишни ортга сурганингиз билан ҳеч нарсани қўпайтира олмайсиз. Садақа бериш билан мол камаяди, деб ўйламанг”**.

Асмо розияллоҳу анҳо сабрда ҳам ўрнатқан кўрсатарди. Ҳолидан шикоят қилмас, хасталанганида “ох” чекмасди. Дард ва бало мўминнинг даражасини оширишига ёки гуноҳларига каффорат бўлишига ишонарди. Аллоҳга дуо, ибодат қилишга ва яқинлашишга васила, дея таваккул этарди. Бир

сафар қаттиқ бош оғриғига йўлиқди. Қўлларини бошига қўйиб, улкан таслимият билан деди: “Бошим қаттиқ оғрипти. Аммо Аллоҳ кечирешини истанган гуноҳларим ҳам кўп!” дея таъзарру этди.

У Аллоҳ ва Унинг Расулига бутун қалби билан боғланган эди. Бирор масалада шубҳага борса, дарҳол Пайғамбар алайҳиссаломга мурожаат қиларди.

Бир куни жоҳилият даврида отаси билан ажрашган онаси Қутайла узум майизи, ёғ каби ҳадялар олиб, уни кўрганга келди. Мусулмон бўлмагани сабабли Асмо розияллоҳу анҳо уни ҳам, ҳадяларини ҳам қабул қилишга тараддудланиб қолди. Вазиятни синглиси Ойша розияллоҳу анҳога айтиб, Расулulloҳ алайҳиссаломдан ечим сўраб беришини истади. Икки олам сарвари: **“Онасини ичкарига киритсин, ҳадяларини ҳам қабул қилсин!”** дея маслаҳат бердилар.

Асмо розияллоҳу анҳо дарҳол онасининг ҳурмати-ни жойига қўйиб, хизмати-ни қилди. Ушбу ҳодиса сабаб Аллоҳ таоло қуйидаги ояти каримани нозил этди: **“Дин тўғрисида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз юртингиздан (ҳайдаб) чиқармаган кимсаларга нисбатан яхшилик қилишингиз ва уларга адолат-**



ли бўлишингиздан Аллоҳ сизларни қайтармас. Албатта, Аллоҳ адолатли кишиларни севар” (Мумтаҳана сураси, 8-оят).

Асмо розияллоҳу анҳо нубувват хонадонига тез-тез кириб турарди. Бир гал энига жуда нафис либос кийиб, хонаи хосга кирди. Шунда Пайғамбаримиз алайҳиссалом юзларини ўгириб олдилар ва дедилар: **“Эй Асмо, бир аёл одат кўра бошлаган пайтдан эътиборан шу-шу (юз ва кафтларига ишора қилиб) аъзоларидан бошқасини кўрсатиши жоиз эмас”**, дедилар.

Асмо розияллоҳу анҳо бу танбеҳдан кейин то умрининг сўнгигига қадар сатрга оид амрга қаттиқ амал қилди.

Юз йилга яқин яшагани ривоят қилинган Асмо розияллоҳу анҳо Ҳажжожии золимга қарши мардларча курашган ўғли Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳу шаҳид бўлганидан бир неча кун ўтиб, Маккада, 73 ҳижрий санада вафот этди. Ундан 85 та ҳадис ривоят қилинган.

Нигора МИРЗАЕВА
тайёрлади.



ҚУРЪОНДАГИ ҲУКМЛАР ФАҚАТ ЭРКАКЛАРГА ХОСМИ?

САВОЛ: Баъзида таҳоратим бор-йўқлигига шубҳа қилиб қоламан. Шу пайтда қандай йўл тутишим керак?

ЖАВОБ: Зоҳир ривоят шуки, таҳорат қилган киши қалбида таҳорати сингани ҳақида гумони ғолиб бўлса, қайта таҳорат олиши керак. Таҳорати бузилган киши “Таҳорат қилдимми-йўқми?” деб шубҳаланса, таҳорат қилиши лозим бўлади.

Агар таҳорат қилаётиб, бирор аъзосини, масалан, тирсакларини ювмаганига биринчи марта шубҳа қилган киши уни (тирсагини) ювади. Агар бундай ҳолат кўп содир бўлса, унга эътибор бермайди.

Таҳорат қилиб бўлганидан кейин бирор аъзони, масалан, оёқни ювдим, деб шубҳа қилган киши уни (оёғини) ювмайди (“*Фатавойи ҳиндия*”, “*Хулосатул фатаво*”).

САВОЛ: Бир аёл танишим эркаклардек намоз ўқийди. Яъни, саждада тирсакларини ердан кўтариб туради, қаъдада оёқлари учини қиблага қаратиб ўтиради. Унга хатосини

айтсам: “Намозда эркак ва аёл деб ажратилмайди”, дейди. Аслида шундайми?

ЖАВОБ: Йўқ. Динимизда ибодатларнинг адо этилиш тартиби эркаклар учун алоҳида, аёллар учун алоҳидадир. Масалан, ҳаж ва умра учун эҳромга киришда эркаклар баданларини энли мато билан ўрашади. Аёллар эса ўз кийимларида бўлади. Шу каби намоз арконларини адо этиш тартиби ҳам аёллар учун алоҳида, эр кишилар учун айродир. Бу тартибларни Расулуллоҳ алайҳиссалом баён қилганлар. Уларга риоя этмаслик суннатга хилофдир.


Язид ибн Абу Ҳабибдан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқиётган икки аёлнинг олдидан ўтдилар ва: “*Қачон сажда қилсангиз, гўштининг баъзисини ерга теккизинг. Албатта, аёл киши бунда эркакка ўхшамас*”, дедилар (Имом Абу Довуд ривояти).

Ҳанафий мазҳабимизда эр кишилар ва аёлларнинг намозлари ўртасида фарқ бор.

Такбири таҳримада эр кишилар қўлларини қулоқлари баробарида (бош бармоқларини қулоқ юмшоқларига теккизиб), аёллар қўлларини елка баробарида кўтарадилар.

Қиёмда эр кишилар ўнг қўл бош бармоқ ва жимжилоқлари билан чап қўл билакларини ушлаб, ўнг қўл кафтини чап қўл кафти устига қўйиб, киндиклари остида тутишади, аёллар қўлларини кўкракларини устида тутадилар.

Рукуда аёллар эркаклардек қўл бармоқларини ёйиб, тиззаларини маҳкам чангалламайди. Балки қўл бармоқларини жипс қилиб, икки тиззаларида тутишади ва қўлларини биқинларига тек-



кизиб туришади. Бунда тиззаларини салгина букишади, эр кишилар каби беллари билан бошларини тўғри қилишмайди.

Аёллар ерга ёпишиб, сон ва билакларини ерга, қоринларини сонларига теккизиб сажда қиладилар.

Улар қаъдада икки оёқларини ўнг томонларидан чиқариб, чап ёнларига ўтиришади.

Аёллар намозни овоз чиқариб ўқишмайди (*“Мухтасарул виқоя”* ва *“Фатавоий ҳиндия”*).

САВОЛ: Аёллар беш вақт намозни масжидда имомга иқтидо қилиб ўқиса бўладими?

ЖАВОБ: Аёлларнинг масжидда имомга иқтидо қилиб намоз ўқишлари вақт, ҳолат ўзгариши билан ўзгарган масалалардандир.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафотларидан сўнг ҳазрат Умар розияллоҳу анхунинг даврида аёллар масжидда имомга иқтидо қилиб намоз ўқишларидан қайтарилди. Саҳобалардан ҳеч бирлари ҳазрати Умарнинг сўзларига, қарорларига эътироз билдиришмади.

Ойша розияллоҳу анҳо бундай деганлар: “Агар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам биз гувоҳи бўлаётган аёлларнинг ҳолатини кўрганларида уларни,

албатта, масжиддан қайтарган бўлар эдилар” (*Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти*).

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Аёл кишининг ҳовлисида ўқиган намозидан уйда ўқиган намози афзалдир. Уйда ўқиган намозидан ўзига намоз ўқиш учун хос қилиб қўйган хонада намоз ўқиши афзалдир”**, деганлар (*Имом Абу Довуд ва Имом Баззор ривояти*).

САВОЛ: Диний китобларни ўқиганимда “Аксарият аҳкомлар, насиҳат ва кўрсатмалар айнан эркаклар учун эканми?” деб ўйлаб қоламан. Шариатда аёллар учун ҳам кўрсатмалар борлигига ишонаман. Нима учун аксар аҳкомлар эркакларга қаратилган?

ЖАВОБ: Агар сиз оят ва ҳадислар ҳақида шундай фикрга борган бўлсангиз, бу асоссиздир. Чунки Қуръони карим араб тилида нозил бўлган. Араб тилида сўзлар “хос”, “ом” ва бошқа турларга бўлинади. “Хос” сўзлар айнан бир нарса ё шахсга ёки жинсга ёхуд турга далолат қилади. Масалан, инсонга эр ва аёллар ҳам киради. Айрим жинс ё турнинг ҳаммаси қамровига далолат қилган сўз “ом” бўлади. Шунинг учун тилнинг ўзига хос ху-

сусиятини билмасдан ҳукм чиқариб бўлмайди.

САВОЛ: Аёл киши кўзига сурма суртиши жоизми? Хусусан, кўчага чиқиш олдидан бўлса-чи?!

ЖАВОБ: Аёллар нафақат сурма қўйишлари, балки бошқа зийнатлар билан ҳам зийнатланишлари мумкин. Уларнинг зийнатланишлари бегона эркаклар учун эмас, ўз эрларини қувонтириш учун бўлиши зарур.

САВОЛ: Мен бир ожиза аёлман. Турмушим бўлмаган, 15 кунда уйга қайтганман. Орадан 13 йил ўтиб, бир инсон розилигимни олганди. Ҳамма нарса тайёр бўлиб, никоҳга 1 ҳафта қолганида “Йўқ, бўлмас экан”, деяпти. Шу тўғрими? Дилим қаттиқ оғриди, йиғидан ўзимни тўхта толмаяпман. Совчи орқали топишган эди, мен билан 2 ой гаплашди, ахир.

ЖАВОБ: Сиз асло куйинманг! Жуфтингиз сизни бир кун топишига ишонинг ва Аллоҳ таолога илтижо қилиб сўранг. Биз ва ўқувчиларимиз ҳам Аллоҳ таолодан сизга муносиб жуфт ҳамда солиҳ фарзандлар ато қилишни сўраймиз. Дуомиз мустажоб бўлсин! Омин, ё Роббалъаламин!

Ўзбекистон
мусулмонлари идораси
Фатво маркази
Тел: (78) 150-33-44

Ҳар қанча шукр қилсак – кам



Ота-боболаримиз армони ушалган кунлар

Ота-боболаримизнинг Каъбаи муаззамага, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муборак Равзаи шарифларига меҳри, муҳаббати, ихлоси бўлакча бўлган. Улар қўлларидаги Каъбаи муаззаманинг суратига термулганча йиғлашлари кўз олдимиздан кетмайди. Қиблага бўлган эҳтиромлари туфайли фарзандларига “Оёқларингизни қиблага узатманг”, дер эдилар.

Аждодларимиз умр бўйи орзу қилган армонлари истиқлол туфайли бизга насиб этгани учун ҳар қанча шукр қилсак – кам.

Мадина ҳавоси шифодир

Ҳеч бир дори-дармон оғриқни тўхтатолмаяпти. Уриндим, бўлмади, йўлга чиқдим!

Неча йилки, ушбу дуони қиламан: “18 ёшлиқ қувватимни ато эт, фаришталар мисолига айланай. Гўзал Мадинани, Равзаи мутоҳҳарани севаман! Сафо, Марва орасидаги саъйлар-

га жоним фидо! Ўзимни Ўзингга топширдим. Раббим, барча камчилик ва нуқсонларим Ўзингга аён. Суюкли Ҳабибинг умматиман, алҳамдулиллаҳ! У зотнинг ҳурматларидан инобат қил!”

Самолёт ва автобусларда ўқиладиган дуолар ила дилимдан бўзлаб боряпман. На қачон кетишим, на ким ҳамхонам бўлиши мени қизиқтирмади. Раббим нимани раво кўрса – шу! Мана, ниҳоят, Мадинаи мунаввара остонасида турибман! Дуодан бошқа ҳеч нарсага уринмадим. Алҳамдулиллаҳ, етиб келдим!

“Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотух, гўзал Мадинам! Пайғамбаримни суйган, бағрикенг маскан! Сени яхши кўраман, ҳаволарингни севаман, жамолингга ошиқман, сенга тўймайман.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳазратларини туғишганлари сиғдирмаганда ошиқиб кутган, бағрини очган муқаддас замин! Йўллари-га меҳрларини сочиб, етиб келгунларича тепаликларга чиқиб интизор кутган диёр! Узоқдан кўринишлари билан қизчалари

ўйнаб, куйлаб йўлларига гуллар тўшаган, Ҳақ ҳабибининг кўнглини олган Мадинам! Гўзаллигининг олдиндан бормиди ёки Расули акрам билан бирга келдими?! Азизлигининг олдиндан бормиди ёки суюкли Пайғамбаримизнинг муборак ташрифлари ила бошландими?!

Алҳамдулиллаҳ, сенга Раббим гўзал қисмат битган. Файзинг, нуринг, виқоринг ўзгача...”

Ҳақиқатан ҳам у муқаддас заминларнинг сувлари майин. Бўқоқ касаллиги таъсирида қўл териларим қурир эди. Бу ерда эса вужудимга нима керак бўлса, ҳавосида, иқлимида, табиатида мужассам. Ўзига беҳисоб шукрлар бўлсинки, ушбу гўзал масканларнинг иссиғию илиғи, нозию истиғноси борлиғимга даводир. Ҳар бир қатрасини, ҳар бир заррасини қолдирмай, ўзимга сингдириб, вужудимга суриб, қалбимга қориб бормоқдаман.

Мадинада Уҳуд тоғига, Қубо масжидига зиёратга бордик.

Мадинаи мунаввара билан хайрлашиб, Байтуллоҳ сари йўлга чиқдик. Зулҳулайфага

етгач, масжидда икки ракат намоз ўқиб, ортидан ният қилиб, эҳромга кирдик. “Лаббайка”ни айтиб йўлга тушдик.

“Қирол Абдулазиз” эшигидан Байтуллоҳга кирдик. Кўзлар қувнаб, тилда шукр, дилда ҳамд билан Каъбаи муаззамани тавоф қилдик. Сўнгра қониб-қониб Замзамдан ичдик. Сафо ва Марвага ўтаётганимизда оёкдаги оғриқдан қутулдим, қушдек учиб юрдим, бедард, бегард бўлдим. Ўзига шукрлар бўлсин!

Соч кестириб, эҳромдан чиқдик ва меҳмонхонага қайтиб, ҳаж кунларига тайёргарлик кўра бошладик.

Муҳтарам Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари билан телефон орқали мулоқот қилиб, ҳожилар аҳволини сўраганларидан қалбларимиз қалқиди, қувончдан бошимиз кўкка етди.

Бизнинг ҳолимиздан хабар олиб илҳом берган Юртбошимизга ташаккур, олқишлар бўлсин!

Машоир кунлари

Зулҳижжа ойининг саккинчи куни Мино водийсига кўчдик. Арафа куни Арафотда бўлдик. Тонг отгандан қуёш ботгунча тавба-тазарру қилдик. Кўп-кўп истиффор айтиш учун ҳатто Арафотда намозлар ҳам жамлаб ўқилди.

Жаброил алайҳиссалом Иброҳим алайҳиссаломга ҳаж-

нинг тартиб-қоидаларини ўргатган. Одам алайҳиссаломнинг тавбаси ҳам айнан шу жойда қабул қилинган. Энг сўнгги ояти қари-ма ҳам шу ерда нозил бўлган.

Арафа куни қуёш ботгач, ҳожилар карвони Муздалифа сари йўлга чиқди. Замонавий автобусларда бир зумда Муздалифада бўлдик. У ерда тунаб қолдик. Шайтонга тошларни ҳам шу ердан териб олдик.

Яна қайтиб Мино водийсига



келдик. Сўнгра гуруҳ раҳбари бошчилигида Қурбон ҳайити куни Катта ʼақаба (катта шайтон)га тош отиш учун Жамаротга отландик. Юз минглаб одамлар юзларида қаҳр ила шайтони лаъинга тош отиш учун кетмоқда. Пайт пойлаб сизни йўлдан оздириш учун ҳар қадамда чалғитадиган шайтонни тошбўрон қилиш бизга отамиз Иброҳим алайҳиссаломдан мерос.

Шайтонга тош отиб, яна Мино водийсига, чодирларимизга қайтдик. Гуруҳ раҳбаримиз асрдан сўнг қурбонликлар қилинганини айтиб, бизни муборакбод этди. Сўнгра сочларимизни бир бўғим миқдорича кесиб, эҳромдан чиқдик.

Эртаси куни тонг саҳар Тавофи ифозани қилиш учун Байтуллоҳга йўлга чиқдик. Издиҳом орасида тавофни, саъиларни қилиб олдик.

Зулҳижжанинг 11- ва 12-кунлари ҳам учала ʼақаба (шайтон)га тош отдик. Машоир кунлари тугаб, меҳмонхонага қайтиб келдик. Ҳар ким хоҳлаган пайти Каъбаи муаззамага бориб, ибодатларни бемалол адо этиб келиши учун барча шароитлар яратилган.

Видолашув

Каъбаи муаззамада беш маҳал – бомдод, пешин, аср, шом ва хуфтонни ўқисангиз, 277 йил ибодат қилганчалик савобни қўлга киритасиз. Ана шу улкан имкониятдан унумли фойдаланиш мақсадида қалбимиз, кўнглимиз Байтуллоҳга талпинаверди.

Ватанга қайтишимиздан бир кун олдин Видолашув тавофини адо этдик. Видолашув тавофи... Умр бўйи ҳар намозда йўналиб ибодат қилганимиз Каъбаи муаззама билан хайрлашиш осон кечмади. Кўзда ёш, қалбда алам ва соғинч ила Байтуллоҳ билан видолашдик.

Аллоҳ таоло тоат-ибодатларимизни қабул айласин. Ҳажимиз мабрур, саъйимиз машкур, гуноҳларимиз мағфур ва дуоларимиз мақбул бўлсин. Бир умр “Лаббайкаллоҳумма лака лаббайк”га содиқ қолишни барчамизга насиб этсин!

Нуртож САЙИДОЛИМ

қизи

Шайх Али Тантовий



Эй қизим!

эса обрўси ва пули кўп! Нима гуноҳинг бор эдики, омад сенга қиё боқмаяпти?

Мен унга дедим:

– Овозингни ўчир! Аллоҳ менга берган неъматларга ношукрлик қилишимни истаяпсан, шекилли?! Кимга барча неъматлар муҳайё қилиб берилган? Нима учун унга қарашим кераг-у, ўзимдан мол ва обрўда пастдагиларга қарамаслигим керак?!

Нима учун бойликда ўзимдан тепадагиларга қараб, илмда ўзимдан тепадагиларга қарамаслигим керак?!

Нима учун йўқ бўлиб кетадиган дунёда турли даражаларни олишга уриншим лозим-у, лекин абадий охиратда даражам юксалиши учун ҳаракат қилмаслигим керак?!

Нима учун моли кўплиги учун унга ҳасад қилишим кераг-у, ибодатда, илмда ва тақвода ўзимдан ўзиб кетган фалон дўстимга ҳасад қилмаслигим керак?!

Нега мен унинг молига ҳасад қилишим кераг-у, у менинг илмимга ҳасад қилмаслиги керак?!

Илм, хулқ ва закийлик ҳам мол ва обрў сингари неъмат эмасми?!

...

Шайтонни кузата бошладим. У жаннатга олиб борадиган барча йўлларнинг бошида турар эди. Аллоҳ берган неъматларни менга ёмон кўрсатиб, ношукрлик қилишга ундарди.

Мен билан мадрасада бирга ўқиган тенгқурим бепарво, дарсларни ўзлаштирмас, ахлоқи ҳам ёмон эди. Охири уни мадрасадан ҳайдашди. У елиб-югуриб, кўп мол ва катта обрў топди. Шайтон дарҳол ҳузуримда пайдо бўлди:

– Кўряпсанми уни?! Сенинг илминг ва фазилатинг бор, унинг

шаҳватимни уйғотиш учун шайтон дарҳол ҳозир бўлди ва васваса қила бошлади. Дарҳол ҳадиси шариф ёдимга тушди: “*(Назарнинг биринчиси сеники, иккинчиси сенинг зараринггадир)*”.

Кўзимни бошқа ёққа олиб, фикримни ҳам ўзгартирдим.

Шайтон яна қайтиб келди. У қизнинг фитна ўринларини менга тасаввурлантира бошлади. Мен беихтиёр қизга назар солдим.

Дарҳол ёдимга Аллоҳ таолонинг ояти тушди: “**У кўзлар хиёнатини ва қалблар яширган нарсаларни ҳам билади**”. Кўзларим менга хиёнат қилди...

Шайтон билан бўладиган жангда мағлубиятга учраётгандайман. Трамвайдан тушдим ва кейингисини кутдим. Ўшанда ёшим элликда эди. Йигирма, ўттизда бўлсам, қандай қилар эдим?.. Бошқа трамвай келди. Унга чиқдим.

Шайтон ҳам мен билан бирга чиққанини ҳис қилдим...

(Давоми бор.)

Таржимонлар
Иймон Али КИТОБ АЛИЕВ,
Сайдуллоҳ АХМЕДОВ

Аёлларга хос масалалар

Одат кунлари келадиган оч қизил қон

Савол: Аёл саккиз кун ҳайз кўради. Аввалги тўрт кундаги қизил қон, қолган кунларда оч қизил ранг келса, у кунлар ҳам ҳайз ҳисобланадими?

Жавоб: Ҳа, саккиз куннинг ҳаммаси ҳайз ҳисобланади. У кунлари эри билан яқинлик қилиши, намоз ўқиши, рўза тутиши мумкин эмас.

Оқликдан кейин келадиган лойқа ранг

Савол: Оқ сизот кўриб, ҳайзидан покланиб, ғул қилганидан кейин қизил ё сариқ ёки хира лойқа ранг кўрган аёл қайта ғул қиладими?

Жавоб: Агар ҳайзининг аввалидан ўн кун ўтмаган бўлса, у рангларнинг ҳаммаси ҳайз ҳисобланади. Агар ўн кундан сўнг мазкур рангдаги сизотлар келса, истиҳоза бўлади. Бу ҳолда шифокорга мурожаат қилиши керак.

Ҳайз бошланишидан олдин қизғиш сизот кўриш

Савол: Аёл ҳайз вақти яқинлашганда беш кун қизғиш шилимшиқ кўради. Сўнг тўхтаб, ўн кун пок юради, кейин ҳақиқий қон келса, аёл намоз ўқишни тўхтатадими?

Жавоб: У вақтда келган сизот таҳоратни бузадиган нажосат ҳисобланади. У ҳолатда намоз соқит бўлмайди.

Икки ҳайз орасида лойқа ранг келиши

Савол: Аёл бир ҳафта ҳайз кўриб, тоза бўлди. Ундан сўнг ўн тўрт кун давомида жигарранг сизот кўрди. Кейин қуёш чиқишидан ўн дақиқа олдин қон кўриб, ғул қилолмаса, ўша кунги бомдод намозининг қазосини ўқийдими? У ўн тўрт кунни истиҳоза деб эътибор қиладими? Ҳар кун ғул қилиши вожиб бўладими?

Жавоб: Жигарранг сизот кўрган кунлари одатига тўғри келса, одат кунлари ҳайз ҳисобланади. Одатидан ўтгани ва охирида кўрган қон истиҳоза бўлади.

Ҳайз сўнгида келадиган сариқ ранг

Савол: Аёлнинг одати беш кун. Бешинчи куни қон тўхташи билан икки кун сариқ сизот кўради. Кейин сариқ сизот кўриши тўрт кунга чўзилади. Сариқ сизот келган кунлари намоз ўқийдими, рўза тутадими?

Жавоб: Одат кунлари келган сариқ сизот ҳам ҳайз ҳисобланади. У вақтда намоз ўқиш мумкин эмас.

Ҳайзнинг охирги кунларида жигарранг сизот келиши

Савол: Аёлнинг одати етти кун. Баъзида етти кундан

дан кейин бир ё уч кун сизот кўради. У аёл одати тугагач, рўза тутиши ва намоз ўқиши мумкинми?

Жавоб: Йўқ. Ўн кун ичида келган барча ранглар ҳайз ҳисобланади. Ҳайз вақтида рўза тутиш ва намоз ўқиш мумкин эмас.

Одатидан олдин қон тўхташи

Савол: Аёлнинг одатидан олдин қони тўхтаса, ғул қилиб, намоз ўқийдими?

Жавоб: Намознинг мустаҳаб вақти тугашига оз вақт қолгунча кутади. Агар қон кўрмаса, ғул қилиб, намоз ўқийди. Эҳтиётан одати тугамагунча эри унга яқинлик қилмай туради.

Ўн кундан ортиқ қон кўрадиган аёлнинг поклиги

Савол: Аёлнинг одати ўзгариб туради. Ўн кундан кейин қон келишини истиҳоза деб ҳисоблайди. Энди савол: аёл ўзини ўнинчи куни қайси пайтда пок ҳисоблаши керак?

Жавоб: Ҳайзининг биринчи куни қайси соатда қон келган бўлса, ўн кун тўлгач, ўша соатда ҳайздан тоза бўлади.

“Ҳайз ва нифос илми
зубдаси” китобидан
Юлдуз АСҚАР қизи
таржимаси



Қирмизи гулларни саралаётган сотувчи дўконга кириб келган барваста харидорни кўриб хурсанд бўлди ва тавозе билан қўл узатди.

– Э, келинг, укам, келинг! Тунов кунгидай қилиб ўраб берайми? Яна келасиз, дегандим-ку...

Харидор жилмайиб кўришар экан, кўзи анвойи гулдасталар тўла пештахтада эди.

– Келинингизга ёқди, ака. Ўзиям битта бўлиб ажралиб турди совғам. Энг зўридан берган экансиз-да, раҳмат!

Сотувчига бундан ортиқ эътирофнинг кераги йўқ, харидорнинг қайтиб келишиёқ унинг диди ва ишига берилган муносиб баҳо бўлади.

– Яна ўшандай қилиб саралаб бераман ҳозир...

Харидор ўтган галги гулкосаси катта-катта атиргулларга қиё ҳам боқмади, аксинча, бошқа томондаги гулдасталарнинг бирига ишора қилди:

– Ака, анави гуллар ҳам ёмон эмас, шекилли. Бурчакдаги яшил қоғозга ўралганини оламан. Қанча берай? Бу ёққа олинг-чи!

Сотувчи ҳайрон, шундай бўлса-да, энг арзон қоғозга ўралган, сўлғин, барглари қайчиланган гулдастани эмас,

кўз қувнатиб турган гуллардан бештасини узатиб таърифлай кетди:

– Булар барибир бошқача. Гулмисан – гул-да! Кўчати Европадан келтирилади. Сиз хижолат бўлмай шулардан олинг. Келинга ёқди, дегингиз-ку! Пулингиз камроқ бўлса, келаси сафар ташлаб кетарсиз.

Харидор уни эшитмади. Ўзи танлаган гулдастани олиб беришини айтиб, ҳамёнини чиқарди.

– Ака, пулим етади. Бугун шунисини оламан! Анави бир-иккита шалпайганини олиб ташласангиз бўлди.

Сотувчи бошқа индамай, унинг айтгани қилиб, пулни санаб олди.

Харидор илжайганча гулдастани олиб эшикка йўналганида телефони жиринглади.

– Алло, синглим, яхшими-сан? Жиянларим яхшими? Туғилган кунинг билан! Ҳозир сеникига кетаётгандим-да...

Сотувчи қулоғига чалинган сўзларни таҳлил қилди. Чиройли атиргулларга маъюс тикилар экан, болалигидаёқ ўлиб кетган бир дона синглисини соғиниб йиғлаб юборди...

Муаззам ИБРОҲИМОВА

Ғанимат

Чарақлаб турган ўшал
икки кўзинг ғанимат,
Айланиб турган тилинг,
айтар сўзинг ғанимат.
Лоф урмагин, эй дўстим,
қолар молу дунё ҳам,
Бу дунёда савобинг,
қолар изинг ғанимат...

Қай муштипар дардига
малҳам бўлдинг, эслаб кўр,
Маҳшар кунига қадар
ҳар савобинг ўйлаб кўр.
Қаддинг букик, ақлинг лол,
суянч бўлди бир асо,
Яратганга шукр қил,
кўрган кунинг ғанимат.

Қиблагоҳ ота-онанг
ёлғизгина суянчинг,
Улар сенга мададкор,
ҳар ишингда таянчинг.
Бу дунёнинг камини
ҳеч ким тўлдирган эмас,
Ёру дўсту қариндош
дийдорлари ғанимат.

Нажоткор бўл, элпарвар,
иймон бўлсин йўлдошинг,
Волидангни хурсанд қил,
қарғиш кўрмасин бошинг.
Отангни эъзозлагин,
солиҳ фарзанд бўл доим,
Уларнинг сенга, дўстим,
дийдорлари ғанимат.

Ойсара СУВОНҚУЛОВА,
Жиззах шаҳри



Опа-синглингизнинг кўнглига қаранг!

Абдурахмон ибн Авф розияллоху анху Расулуллох соллаллоху алайҳи ва салламнинг бундай деганларини ривоят қилади: **«Аллоҳ азза ва жалла айтади: “Мен Раҳмондирман. Мен “раҳм”ни яратдим. Унга Ўз исмимдан исм ясадим. Бас, ким раҳмни боғласа, уни боғлайман** (яъни уни яхшиликка боғлайман, қилган хайрли амали учун мукофотлайман). **Ким раҳмни узса, уни кесиб ташлайман!”»** (Имом Бухорий, “ал-Адаб ал-муфрад”).

Яқинда онам дунёдан ўтди... Ҳар бир синов замирида ҳикмат бўларкан. Уни ўша имтиҳонни бошидан кечирган одамгина англари экан.

Онаси қолиш бизга кўп нарсани ўргатди. Муҳими, онамиз васият қилганидек, биз, жигарларнинг жипслигимиз йўқолмасин!

Тушунганим яна шу бўлдики, ота ҳовлинг ота-она билан тафтли экан. Улар ўтгач, меҳрибон ака-уканг билан обод бўларкан. Агар иниларинг у ҳовлида бўлмаса, гарчи деворлари оҳанрабодек тортса-да, бемалол боришга тортинар экансан. Бунда келиннинг ҳам роли катта. Меҳмон бўлиб

борганингда, айниқса, ота-онангдан кейин унинг сўзлари, кўз қарашлари, хатти-ҳаракатлари диққатингизни тортар экан. Агар ака-укангни бегонага айлантирмаган бўлса, қандай яхши! Агар айлантириб улгурган бўлса, додинг ичингда! Иншоаллох, буниси бизда йўқ...

Сен сафардан тезроқ келақол, укажон! Ота уйимиздаги ўринларимиз совимасин. Шунда бемалол борамиз, бемалол ухлаймиз, бемалол овқатланамиз. Дилдан чиққан бу сўзларимни тўғри тушунсанг бўлди! Барибир сен билан бошқача-да! Биз кўнгли ярим опа-сингилларинг сенга, акамизга суянамиз. Агар бағир очмасанглар,


на илож, бир-биримизга суянамиз...

Шуларни ўйлаб бежиз динимизда бировнинг қўл остида бўлган опа-сингилсига ака-уканинг муносабати алоҳида тилга олинмаган экан-да, деб қўяман.

Аммо биз опа-сингилларинг сизларга доимо яхшилик соғинамиз. Қўшгани билан қўша қарисин, оиласи билан тинч бўлсин, болаларининг роҳатини кўрсин, деб самимий дуо қиламиз...

Эркалана оладиган, дардингни бемалол айта оладиган ака-укангиз бўлгани қандай ҳам яхши!..

Зухраҳон ҲАМДАМОВА



Нозимага қизалоғининг ногиронлигини айтишганида унга қарашни ҳам истамади. У: “Менга керак эмас”, деганида эри жаҳл билан: “Бу фарзанд Аллоҳнинг неъматиди, бизга берган синовиди. Бу гапни бир марта айтдинг, бошқа эшитмай”, деди. Қизалоқ улғайгани сари ногиронлиги тобора билинарди. Нозима бундан уялиб, қизини кўчага олиб чиқмасди.

Қайнонаси келинини тушуниб, унга ҳар ишда кўмаклаш-

– Ҳар йили Нозимага ўхшаган юзга яқин аёллар фарзандини олиб келишади. Шунингдек, ота-она қарамоғисиз қолган болаларга ҳам тиббий-ижтимоий, психологик-педагогик ва ҳуқуқий-консултантив кўмак кўрсатилади, – дейди Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази илмий ишлар бўйича директор ўринбосари Лола Раҳимова. – Авваллари, оилада ногирон фарзанд туғилса, “Одамлар ни-

74 фоиздан ортиқ болаларнинг ривожланишида ижобий ўзгариш кузатилди. Бундай болаларнинг жамиятдаги фаоллиги ошди. Айниқса, фарзандининг яхшиланишида оталарнинг ҳам ўрни ортиб бораётганини айтиш жойиз. Марказимизда ота-оналар клуби фаолият юритади. Унда суҳбатлар ўтказилади, ногирон фарзанд тарбияси борасида оилалар ўзаро тажриба алмашишади. Шу ўринда ои-

Соғлом она – соғлом бола

ди. Баъзан келиннинг асабийлиги, унга қўпол муомаласига ҳам “Сабрли бўлинг, қизим!” деб жавоб берарди.

Қизалоқни даволаш учун Республика болалар ижтимоий мослашуви марказига олиб боришди. Марказда Нозима билан суҳбатлашган Лола опа унга руҳий кўмак кераклигини билди.

ма дейди?” дея уялишар эди. Бугунги кунга келиб ота-оналар бундай болалар ҳам бошқалар каби ҳаётда эркин яшаши, даволаниши, ривожланиши керак, деган фикрга келишаётгани қувонарли. Марказдаги Ахборот консалтинг хизмати янги туғилган чақалоқлардан тартиб 18 ёшгача бўлган алоҳида эҳтиёжли болалар қобилятини ривожлантириш ва ижтимоий мослашишлари мақсадида ташкил этилган.

– Марказ фаолиятига 20 йил тўлибди. Бу вақт давомида қанча ногирон болаларнинг ҳаётга ишончи қайтарилди, нечта ота-она билан ишланди?

– Реабилитация курсларини ўтаган

лаларни қўллаб-қувватлашда моддий рағбат ҳам муҳимлигини айтиб ўтиш лозим. Бу каби болаларнинг даволаниши учун маблағ талаб этилади. Ёки махсус жиҳозларга оиланинг эҳтиёжи бўлиши мумкин. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қилиб: **“Ким бир мўминдан дунё қийинчиликлари-дан бирини аритса, Аллоҳ таоло ундан қиймат мashaққатларидан бирини аритади. Ким ҳаётда қийналган кишига осонликни раво кўрса, Аллоҳ таоло унга дунё ва охиратда енгилликни ато қилур”** (Имом Муслим ривояти), деганлар. Бундан англаб етган саҳий инсонлар ногирон болаларга моддий кўмак бериб келмоқда. Хайрия маблағларини манзилли йўналтирамиз.



Пинҳона кўмак берувчилар ҳам кўп.

– Соғлом оилада ҳам ногиронлик кузатилиши мумкинми? Умуман олганда, боланинг ногирон ёки турли касалликлар билан туғилиши, кейинчалик бу каби ҳолатларнинг содир бўлишига сабаб нима?

– Ногиронликнинг сабаблари жуда кўп. Масалан, камқонликда ҳомилага кислород етмайди. Ҳомиладорлар бола кўп типирчилайди, деб эътиборсиз бўлишади. Бу ҳолатнинг сабаби бола тўла озуқа ололмапти, бу озуқа унинг мияси ривожланиши учун ниҳоятда зарур. Баъзан ақли заиф бўлиб туғилиш ёки кейинчалик бундай ҳолат кузатилишида турли жароҳатлар, қаттиқ асабийлик ва юқумли касалликка чалинганлик ҳам сабаб бўлади. Бола ва она соғлом ривожланяпти, бироқ оддий шамоллаш билан нотўғри дори истеъмол қилса, антибиотиклар олса, болада нутқий нуқсон кузатилиши мумкин. Бугун аёллар уй тозалашда ишлатиладиган кўплаб кимёвий воситалардан фойдаланади. Ҳомиладорликда бу воситаларнинг зарари болага таъсир қилади.

Олимлар ўтказган тажрибалардан бирида кимёвий воситалар билан кўп ишлайдиган 250 дан ортиқ оилаларда туғилган болаларнинг нутқий бузилиши кузатилган. Улар-

да танглайи нуқсонли бўлган. Идишларни ювишда ишлатиладиган кимёвий воситаларнинг ҳам зарари бор. Аёлларимиз телефон ва телевизорга чалғиб, идишларни тозалаб ювмайди. Ваҳоланки, бу каби ювиш воситаларидан кейин кимёвий элементлар идишда қолиб кетади. Бу ҳам ҳомиладорларнинг зарарланишига олиб келади. Ҳомиладор аёл иложи борида кўп телефондан узоқ бўлгани афзал.

– Соғлом фарзандни вояга етказиш борасида тавсиянгиз...

– Эрта туғуруқ, соғлом ва тўғри овқатланмаслик, ташқи ва ички салбий омиллар – буларнинг бари фарзандларимизга таъсир этишини унутмаслик керак. Ҳозир кўп болаларда саломатлиги билан боғлиқ нуқсонлар бор. Баъзиларида бу дарҳол кўринса, айримларида ёши улғайгандагина билинади.

Ота-оналар боланинг тарбиясини таълимидан устун қўйиши керак. Бироқ ҳозир акси бўлиб, 3–4 ёшли бола бирданига тўртталаб хорижий тилларни ўрганяпти. Ҳали ўз она тилини тўғри талаффуз этолмаётган болага бу ортиқча юк. Мактабга чиқаётганда соғлом бола 3 мингдан 7 минггача сўз билиши керак. Лекин болалар билан ишлаганимда бир синфда уч-тўрт болагина нутқий ривожланганини кўрдим. Бо-



ла 2 ёшидан фикрини тушунтира олиши керак. Агар шундай бўлмаса, шифокорга мурожаат этиш, унинг ҳолатига эътиборли бўлиш лозим. Бунда оналарнинг ўрни катта. Ҳомиладорлигида, гўдаклигида, улғайишининг ҳар бир жараёнида у билан шуғуллансин.

Имом Ибн Можа ривоят қилган ҳадиси шарифда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Фарзандларингизни ҳурмат қилинглар ва уларнинг одобини гўзал қилинглар”** (Имом Можа ривояти), деганлар. Ногирон фарзандини бошқа болаларидан кам кўрмай, ҳаётга ва ўзига бўлган ишончини оширган оналар бор. Натижада бундай болалар паралимпия чемпионлари ёки бошқа соҳаларда ўз ўрнини топмоқда. Оналарнинг кўз нури, ишончи ва ҳаракати мевасидир улар.


Камола АДАШБОЕВА
суҳбатлашди.

Одамлар билан қандай саломлашаман?..

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда.)

Акса урганда ўқиладиган дуо

Аксирганимда бундай дейман:



الْحَمْدُ لِلَّهِ

“Алҳамдулиллаҳ”

(Аллоҳга ҳамд бўлсин).

Дўстим менга:

يَرْحَمُكَ اللَّهُ

“Йарҳамукаллоҳ”

(Аллоҳ сенга раҳм қилсин), дейди.

Унга жавобан айтаман:

يَهْدِيكُمْ اللَّهُ وَيُصْلِحْ بِأَلْكُم

“Йахдикумуллоҳу ва йуслиҳу балакум”

(Аллоҳ сизларни ҳидоят этсин ва ишларингизни ўнгласин) (Имом Бухорий ривояти).

Оғриқни ҳис этганда ўқиладиган дуо

Қўлимни оғриётган еримга қўйиб, бундай дейман:

بِسْمِ اللَّهِ

“Бисмиллаҳ” (3 марта).

أَعُوذُ بِاللَّهِ وَقُدْرَتِهِ مِنْ شَرِّ مَا أَجِدُ وَأُحَازِرُ

“Аъзу биллаҳи ва қудратиҳи мин шарри ма ажиду ва уҳазиру”.

Маъноси: “Аллоҳ ва Унинг қудратидан мен ҳис этаётган ва хавфсираётган нарсадан паноҳ тилайман” (7 марта).

Бозорга кетаётганда айтиладиган дуо

لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ، لَهُ الْمُلْكُ وَلَهُ الْحَمْدُ، يُحْيِي وَيُمِيتُ وَهُوَ حَيٌّ لَا يَمُوتُ، بِيَدِهِ الْخَيْرُ وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ



“Лаа илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарика лаҳу лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду йухйи ва йумит ва ҳува ҳаййун лаа ямут, биядиҳил хойр ва ҳува ʼала кулли шайъин қодир”.

Маъноси: “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. У ёлғиз – шериксиз Зотдир. Мулк ҳам, ҳамд ҳам Униқидир. Ўзи ҳаёт беради ва Ўзи ўлдиради. У (абдий) ҳаётдир. (Ҳеч қачон) ўлмайди. (Бутун) яхшилик – хайр

Унинг қўлидадир ва У барча нарсага қодир Зотдир”.

Ғазабланганда айтиладиган дуо

Ғазабланганимда бундай дейман:

أَعُوذُ بِاللَّهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ

“Аъзу биллаҳи минаш шайтонир рожийм” (Имом Бухорий ривояти).

Маъноси: “Аллоҳдан тошбўрон қилинган шайтоннинг ёмонлигидан паноҳ тилайман”.

Баъзида Маликанинг укасидан қаттиқ жаҳли чиқади. У жаҳлдан тушиш учун нима қилиши кераклигини биласизми?

*Истиозани айтади.

*Сукут сақлайди.

*Таҳорат олади.

*Жойини ўзгартиради.

Сиз-чи? Охирги марта ғазабланганингизда қандай йўл тутдингиз?

Беморни кўрганда айтиладиган дуо

الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي عَافَانِي مِمَّا ابْتَلَاكَ بِهِ، وَفَضَّلَنِي عَلَى كَثِيرٍ مِمَّنْ خَلَقَ تَفْضِيلًا





“Алҳамду лиллаҳиллазий ʼафаний мимма ибталака биҳи ва фаззоланий ʼала касирин мимман холоқо тафзила”.

Маъноси: “Сени мубтало қилган нарсдан мени саломат қилган ҳамда афзал қилиб яратганларидан кўп бор афзал қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин”.

Беморни зиёрат қилганда айтиладиган дуо

Беморга бундай дейман:

أَسْأَلُ اللَّهَ الْعَظِيمَ رَبَّ الْعَرْشِ الْعَظِيمِ أَنْ يَشْفِيكَ

“Асʼялуллоҳал ʼазийми Роббал ʼаршил-ʼазийми ан йашфийак” (Имом Термизий, Имом Абу Довуд ривояти).

Маъноси: “Улуғ Арш Парвардигори бўлган улуғ Аллоҳдан сенга шифо беришини тилайман” (7 марта).

Яхши иш содир бўлганда айтиладиган дуо

Бундай дейман:

الحمد لله الذي بِنِعْمَتِهِ تَتِمُّ الصَّالِحَاتُ

“Алҳамду лиллаҳил лазий биниъматиҳи татимму-с-солиҳат” (Имом Ибн Сунний ривояти).

Маъноси: “Унинг неъмати билан солиҳ – яхши нарса (амал)лар камолига етадиган Аллоҳга ҳамд бўлсин”.

Бирор мушкул ишга дуч келганда айтиладиган дуо

اللهم لا سهل إلا ما جعلته سهلاً، وأنت تجعل الحزن إذا شئت سهلاً

“Аллоҳумма лаа саҳла илла ма жаʼалтаҳу саҳлан ва анта тажʼялул ҳузна иза шиʼта саҳлан” (Имом Ибн Ҳиббон ривояти).

Маъноси: “Эй Аллоҳ! Фақат Сен енгил этган нарсагина енгилдир. Агар Сен хоҳласанг, оғирликни ҳам енгил этувчидирсан”.

Яна:

رَبِّ اشْرَحْ لِي صَدْرِي وَيَسِّرْ لِي أَمْرِي وَاحْلُلْ عُقْدَةً مِنْ لِسَانِي يَفْقَهُوا قَوْلِي

“Роббишроҳ лий содрий ва яссир лий амрий ваҳлул уқдатам миллисаний яфқоҳу қовлий” (Тоҳа сураси, 25–28-оятлар).

Маъноси: “Эй Раббим, қалбимни кенг қил. Менинг ишимни осон қил. Сўзимни тушунадиган қил”.

Юлдуз КОМИЛОВА таржимаси

Ризқи кенг, балолардан йироқ бўлиш дуоси

Ким ушбу дуони ўқиб юрса, умри узоқ ва баракали, ризқи кенг ва бой, шунингдек, балолардан йироқ бўлади.

“Ҳасбияллоҳу ва ниъмал вакийл, ниъмал мавла ва ниъман насийр. Ғуфронака Роббана ва илайкал масийр”.

Маъноси: “Бизга Аллоҳ кифоя, У Зот нақадар яхши вакил! У Зот нақадар яхши Мавло ва У Зот нақадар яхши ёрдам берувчи! Бизни кечир, Раббимиз, қайтиш Сенгадир”.

Қарздан қутулиш дуоси

Али розияллоҳу анхудан ривоят қилинади. Бир қул озод бўлиш учун шартлашилган маблағни тополмай, ҳазрати Алидан ёрдам сўради. Шунда у зот: «Сенга Расулуллоҳ алайҳиссалом ўргатган калималарни ўргатайми? Агар “Аллоҳумма икфиний биҳалалика ʼан ҳаромика вағнийий биғазлика ʼамман сивак” дуосини ўқиб юрсанг, қарзинг тоғнинг бир тарафича бўлса ҳам, халос бўласан», деди (Имом Термизий ривояти).

Маъноси: “Эй Раббим, ҳаром (ара-лаштирмай) ҳалолинг билан менга кифоя эт. Фазлинг ила Ўзингдан бошқалардан беҳожат қил”.

Кечки дуо

“Я ҳаййу, я қоййум, бироҳматика астағийсу, аслиҳ лий шаъний куллаҳу ва лаа такилний ила нафсий торфата ʼайн”.

Маъноси: “Эй ҳамиша барҳаёт ва абдий турувчи бўлган Зот! Сендан ёрдам сўрайман. Ишимнинг ҳаммасини ислоҳ эт ва мени кўз очиб юмгунча ҳам ўз ҳолимга ташлаб қўйма” (Имом Термизий ва Имом Насоий ривояти).

Ҳар бир амални ибодатга айлантириш мумкин

Ҳаётимни тубдан ўзгартириб, тўғри мақсад билан яшашни ўргатган китоблардан бири Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимахуллоҳ қаламига мансуб “Амаллар ниятга боғлиқ” асаридир. У менга бир ишни кўнгил фараҳлиги билан қилиш, савоб қозониш воситасига айлантиришни ўргатди, десам, муболаға бўлмайди.

Китоб аввалида қуйидаги ҳадис шарҳланади.

Умар розияллоху анхудан ривоят қилинади. Набий солаллоху алайҳи ва саллам дедилар: **“Албатта, амаллар ниятга боғлиқдир. Албатта, ҳар бир кишининг ният қилган нарсаси бўлади. Бас, кимнинг ҳижрати Аллоҳ ва Унинг Расули учун бўлса, унинг ҳижрати Аллоҳ ва Унинг Расули учундир. Кимнинг ҳижрати дунё учун бўлса, унга эришади ёки аёл учун бўлса, уни никоҳлаб олади. Бас, унинг ҳижрати нима учун қилинган бўлса, ўшанга бўлади”** (Муттафақун алайҳ).

Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳ: “Илмнинг учдан бири шу ҳадисдадир”, деган. Чунки банданинг савоб топиши – дил, тил ва бадан билан бўлади. Ушбу ҳадисда дил орқали бўладиган амаллар тўлиқ баён қилинган. Чунки дин ички ва



ташқи амаллардан иборат. Ният ички амал ҳисобланиб, қалб билан бўлади.

Имом Бухорий “Саҳиҳ”ини ушбу ҳадис билан бошлаган. Унинг иккинчи номи “Умму Қайс муҳожирини ҳадиси”дир. Ҳадиснинг бундай номланиши бежиз эмас. Бир киши Умму Қайс исмли муслима аёлга уйланишни хоҳлайди. Умму Қайс унга: “Мадинага ҳижрат қиляпман, агар сен ҳам мусулмон бўлиб ҳижрат қилсанг, сенга тегаман”, дейди.

Ҳалиги одам ўн кун йўл юриб, Мадинага келади ва шарт бажарилган Умму Қайс билан оила қуради. Барча саҳобаларни “Бу одам ҳам ҳижратнинг савобини оладими?” деган савол қизқирган. Шунда Расулulloҳ алайҳиссалом юқоридаги ҳадисни айтганлар.

Ушбу ҳадис шарҳи билан яқиндан танишгач, албатта, қалбингизга ҳаловат инади. Оддийгина амалларни тўғри ният билан бажариб, уларни савобга айлантириш мумкинлигини тушуниб етасиз.

Амалларни Шайх ҳазрат уч турга бўлган:

1) амр қилинган амаллар. Уларни адо этишда Аллоҳнинг розилигини кўзлаш шарт;

2) наҳий қилинган – қайтарилган амаллар. Бунда амаллар ниятсиз тарк этилса, фақат зараридан фориғ бўлинади. Аллоҳ розилиги учун тарк этилса, ажрга эришилади;

3) мубоҳ амаллар. Ейиши, оила ҳаётига ўхшаш ишлар. Инсон бу амаллардан ниятсиз ажр олмайди. Аммо Аллоҳнинг розилигини топиш илинжида қилса, ажр олади.

“Аллоҳнинг розилигини кўзлаб ният қилиш билан ҳар амал ибодатга айланади. Масалан, ибодатга қувват бўлсин, деган ниятда таом тановул қилиш ҳам ибодат бўлади”, дейилади китобда.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу китоб мутолааси ёшу қари, эркагу аёл – барча учун бирдек манфаатлидир.

**Нигора
АБДУМУХТОР**
қизи

Синфларда дарс бўляпти. Мен ташқаридаги дарахт соясида газета ўқиб ўтирган эдим. Шу пайт мактаб ҳовлисига ўн чоғли ўқувчилар кириб келди. Улар ниманидир маслаҳатлашиб, ярми ўнг томондаги, ярми чап томондаги хоналарнинг очиқ деразаларидан ичкарига мўралашар, чамамда, кимнидир қидиришарди. Уларни чақириб, қаердан келганларини, нима қи-

– Биз сени олиб кетгани келдик. Бирга кетасан-а, Маҳбуб?! – дейишди дугоналари.

Маҳбуба эса жавоб бериш ўрнига ерга қараб йиғлар, кўзёшларини артар, қадрдон мактабига, меҳрибон дугоналари бағрига қайта олмаслигидан надомат чекарди. Чунки унинг онаси отаси билан ажрашиб, ўз қишлоғига қайтиб келган эди.

Ўйлаб кўрсам, Маҳбуба на-

етим қилманг!” дегим келади.

Ажрим туфайли фарзандлар етим, аёллар бева, эркаклар ёлғиз қолади. Оила барбод бўлиши нафақат ижтимоий ҳаётда, балки динимизда ҳам қораланади. Эр-хотиннинг ажралиши, никоҳнинг бузилиши Аллоҳнинг ғазабини келтиради. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ҳалол нарсалар ичида Аллоҳни энг ға-**

Уларни тирик етим қилманг!

либ юрганларини сўрадим.

– Маҳбуба деган синфдошимиз шу ерда ўқийди, кўргани келдик, – деди бир қиз.

Болалар ўн чақиримча узоқдаги қишлоқдан экан. Ўйларни яқин қилиш мақсадида дала оралаб келишгани шундоқ билиниб турибди. Иссиқдан терга тушишган, оёқ кийимлари ҳам чанг. Ўғил болалар шимларининг пойчасини тиззасигача шимариб олишган.

Мен уларга:

– Ҳа, мен Маҳбуба исми қизни танийман, олтинчи синфда ўқийди. Уч ойча бўлди, бизнинг мактабга келган, – дедим.

Маҳбуба уларни деразадан кўриб қолган бўлса керак, мактаб эшигидан ўқдек отилиб чиқди-да, ўзини дугоналарининг бағрига отди. Барчаси билан бирма-бир қучоқлашиб кўришди. Бир неча ўн йиллик ҳижрондан кейин учрашгандек, ҳаммаси Маҳбубани ўртага олиб йиғлади. Маҳбуба келмаган синфдошларини, ўқитувчиларини номма-ном сўраб чиқди.

фақат ота меҳридан, балки дилкаш дугоналаридан, беғубор, қувноқ болалигидан ҳам айрилган экан...

Ҳаёт турли синовлардан иборат. Аммо болажонларнинг жажжи дилидаги катта ғамни, кўзидаги маржон ёшни кўриб баъзан чидолмай қоласан киши. Катталарга қарата: “Нима қиялпсизлар?! Болаларга раҳмингиз келсин! Уларни тирик

заблантирадигани талоқдир” (Имом Абу Ҳотим ривояти), деганлар.

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: **“Унинг аломатларидан (яна бири) – сизлар таскин топишингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратгани ва ўртангизда иноқлик ва меҳрибонлик пайдо қилганидир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган кишилар учун аломатлар бордир”** (Рум сураси, 21-оят).

Шундай экан, келинг, азизлар, оила аталмиш кўрғоннинг, улуғ неъматнинг қадрига етайлик, уни доимо асраб-авайлайлик. Арзимас сабаблар билан жаҳл отига миниб, муносабатларимизни бузмайлик. Бизга омонат берилган оила борасида ҳам қиёмат куни ҳисоб-китоб қилинишимизни унутмайлик!

Қосимжон СОЛИЕВ,
Бешариқ тумани



Ҳар куни қандай савоб топасиз?

Одамлар ўртасини тузатишдан савоб умид қилинг

«Гўзалим, у сизни хафа қилмоқчи эмасди. У сизни жуда яхши кўради. Балки фикрини тўғри ифодалай олмагандир... Балки ўша вақтда асабийлашиб тургандир. Мен ҳеч қачон уни сизга ёмонлик тиллайди, деб ўйламайман. Балки ҳозир у бўлган ишдан пушаймондир... Мен қалбингиз пок ва бағрингиз кенг эканига ишонаман...

Қадрдоним, одамлар турлича тарбия топади. Балки бу синглим ёмон аёл эмасдир. Фақат муомала маданиятини яхши билмас. Шунинг учун қилган ишини жиддий олмай, хатосини тушуниб етмаган...

Азизам, сизни унингдек хатокор қилмагани, ибратли оилада гўзал тарбия топтиргани ва чиройли муомала қилишни ўргатгани учун Аллоҳга ҳамд айтинг. Дугонангизни кечириб юборинг. Акс ҳолда яхшиликдан маҳрум қоласиз. Уни маломат қилманг. Бундан кўра Аллоҳдан ўзингиз ва муслима дугонангизга офият сўранг. Яхши муомалада бўлинг. Шояд, бу ишингиз унга таъсир қилса ва уни яхши тарафга ўзгартирса. Сиз эса бир муслимага яхшилик қилганлик савобига эришасиз...»

Эй қалби пок инсон!

Сиз икки хусуматлашувчининг ўртасини ислоҳ қилиш учун қуйдаги мисолларни тааммул қилинг. Албатта, бу-

лар сукут сақлашни маъқул кўрувчи улуғ инсонлар учун муҳимдир. Сиз ҳам улардек савоб умид қилинг.

Улуғ ажр

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **“Уларнинг кўпгина махфий суҳбатларида яхшилик йўқ, магар ким садақага, яхшиликка ва одамлар орасида ислоҳга амр қилсагина, яхшилик бор. Ким ўша ишни Аллоҳнинг розилиги учун қилса, албатта, унга улуғ ажр берурмиз”** (Нисо сураси, 114-оят); **“Биз аҳли солиҳларнинг ажрларини зое қилмасмиз”** (Аъроф сураси, 170-оят).

Аллоҳ сизга раҳм қилиши учун Унинг ушбу буйруғига амал қилинг: **“Албатта, мўминлар биродардирлар, бас, икки биродарингиз ўртасини ислоҳ қилинг, Аллоҳга тақво қилинг, шояд-ки, раҳм қилинсангиз”** (Хужурот сураси, 10-оят). Хусуматлашувчи икки кишини яраштириб қўйишингиз Аллоҳ сизни раҳмат қилишига сабаб бўлади. Боиси Парвардигор тақво ва мўминлар ҳақ-ҳуқуқини раҳмат билан боғлади: **“Шояд-ки, раҳм қилинсангиз”**. Агар раҳм ҳосил бўлса, демак, дунё ва охират яхшилиги пайдо бўлади. Чунки мўминларни ҳақ-ҳуқуқидан маҳрум этиш улуғ раҳматдан тўсилишга сабаб бўлади.

Мусулмонлардан зарар ва озорни кетказишдаги савобни умид қилинг. Албатта, ик-

ки хусуматлашувчи ўртасида хусумат давом этиши уларга дунё ва охиратда зарар беради.

Икки хусуматлашувчини яраштириш билан уларга яхшилик қилиш савобини умид қилинг. Зеро: **“Агар яхшилик қилсангиз, ўзингиз учун яхшилик қиласиз”** (Исро сураси, 7-оят).

Нафл намоз, рўза ва садақа бериш даражасидан афзал даражага эришиш

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қилдилар: **“Сизларга (нафл) намоз, рўза ва садақа даражасидан афзал даражанинг хабарини берайми?”** Саҳобалар: “Ҳа”, деб жавоб қилишди. Набий алайҳиссалом: **“Орани ислоҳ қилинг. Албатта, оранинг бузилиши емирувчидир (яъни динни емирувчидир)”**, дедилар (Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ривояти).

Ажр-савобингиз Аллоҳнинг зиммасида бўлади. Ажр қай даражада улуғ бўлишини ҳаёлингизга ҳам келтира олмайсиз. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: **“Ёмонликнинг жазоси ўзи мислидек ёмонликдир. Ким афв этиб, ислоҳ қилса, унинг ажри Аллоҳнинг зиммасидадир. Албатта, У Зот золимларни севмас”** (Шўро сураси, 40-оят).

Юлдуз КОМИЛОВА
таржимаси



Учраган одамдан “Бир кун ҳавосиз яшай оласизми?” деб сўрасангиз, “Йўқ, албатта”, дейди ва буни қалбан ҳам тасдиқлайди. “Бир кун интернетсиз яшай оласизми?” деб сўрасангиз, “Ҳа, албатта”, деб жавоб беради. Аммо буни қалби билан тасдиқлашига ишониш қийин.

Ҳар куни уйқудан бош кўтарар-кўтармас хабарларни, янгиликларни, қизиқарли, кулгили ҳодисаларни кўрамыз. Айтиш чоғда эрталабдан елкамизга қандай залворли юк ортиб олаётганимизни ва унинг жисмимизга оғирлик қилаётганини ҳам ҳис қиламиз.

Телефон экранидан узоқ вақт кўз узмай туриш мушаклар, умуртқа поғонаси, инсон руҳияти, айтиқса, кўриш қобилиятига катта зарар етказади. Шифокорлар кейинги йилларда узоқни яхши кўра олмасликдан азият чекувчи инсонлар сони сезиларли ошганидан куйиниб гапиришмоқда.

Смартфонларнинг асосий зарари бу – электромагнит нурланишдир. Шунингдек, ажралмас ҳамроҳимиз бўлган телефон

ҳар доим танамизга яқин жойда бўлади. Электромагнит тўлқинлар, хавфли нурланишлар кўз тўқималарига, бош мияга, эшитиш тизимига, асаб толаларига салбий таъсир кўрсатади...

Бунга қарши нимадир қилиш мумкинми? Мумкин! Зарарни бироз камайтирса бўлади.

“Интернетсиз бутун кун” таклифи жонли мулоқот жозибасини яна бир бор ҳис қилиш, ҳаддан ташқари кўп маълумотлар юкидан бирозгина бўлса-да, тин олиш ва ниҳоят, чатлар, ёзишмалар ва шарҳлар бўҳронидан қалбингизга дам бериш ниятида илгари сурилмоқда. Бу таклифни 2000 йилнинг бошларида, ҳали биз смартфонларга шўнғиб кетмаган кезларда фаол интернет фойдаланувчилари билдиришган эди.

Эрталаб бомдод намозини ўқиймиз-у, ёнимизда турган телефонни кавлашга тушамиз. Шунинг ўрнига қироат, зикр билан машғул бўлиб кўрсак-чи! Кейин бадантарбия билан шуғуллансак. Сўнг уй ишларига ёрдамлашсак, бозор-ўчар, сайрга чиқиш дегандек...

“Ҳеч дармоним йўқ, бир мириқиб дам олишим керак”. Бу – кейинги йилларда қулоққа энг кўп чалинадиган шикоятлардан бири. Аммо ҳеч эътибор қилдингизми, ҳатто тоққа ёки денгизга бориб дам олганлар ҳам қандай “оғир бош” билан кетган бўлса, ўша ҳолига қайтиб келмоқда?! Чунки у жойларда ҳам уларнинг ёнида қувватини сўриб олувчи, вақтини исроф қилувчи телефони бўлади. Йил ўтгани сайин у “ақлли” бўлиб борапти. Биз эса заифлашиб борапмиз.

Ишонинг, дам олиш кунингизни интернетсиз ўтказсангиз, росмана ҳордиқ чиқариш лаззатини ҳис қиласиз, уй ишларини яйраб бажарасиз, ибодатларингизни ҳузурланиб адо этасиз, оила аъзоларингиз билан мириқиб суҳбатлашасиз. Бундан ниҳоятда завқланасиз. Энг муҳими, кучга тўласиз ва бу қувватнинг қаердан келаётганига ҳайрон бўласиз.

Ваҳимага берилманг, интернетни шунчаки ўчириб қўйинг, тамом!

Бинобарин, Аллоҳ таоло бизни **“У эслатма олмоқчи ёки шукр қилмоқчи бўлган кишилар учун кеча ва кундузни (бир-бирига) ўринбосар қилиб қўйган Зотдир”** (Фурқон сураси, 62-оят), деб огоҳлантирган. Шундай экан, кунимиз ботмай ёки тонгимиз отмай қолгунича эзгу амалларни қилиб қолайлик. Қўлимиздаги бир парча матоҳга термулиб, умримизни бесамар ўтказиб қўймайлик.

Дамин ЖУМАҚУЛ

УСТОЗЛИК МАҚОМИ

Синфга келган қизалоқ Диёра опанинг диққатини тортди: нимжон жуссаси, атрофга ҳадиксираб боқадиган кўзлари унинг эрта улғайиб қолганини билдирди. Савол берса, шивирлабгина жавоб берар, бошини эгиб юрар, ҳеч ким билан гаплашишни истамасди. Диёра опа муаллимлик даврида шўхлиги оламни бузадиган, итоатли, уятчан ва тортинчоқ ўқувчиларни кўрди. Лекин Нафиса ҳеч бирига ўхшамасди.

Ота-онаси вафот этгач, яқинларининг муносабати туфайли жуда эрта улғайиб қолди у. Оч қолган, юпун юрган вақтлари бўлди. Шундай онларда муаллимаси: “Ҳаётда мустақил ва кучли бўлиб яшашни истасанг, илм олишинг керак”, деб унга алоҳида эътибор қаратди. Гоҳ маънавий, гоҳ моддий ёрдам берди. Бу меҳр ва эътибордан қизалоқ ўзгарди. Йиллар ўтиб, ўзи ўқиган мактабга устози каби муаллима бўлиб қайтди.

* * *

Турфа оилада ва турли муҳитда ўсаяётган болаларнинг тақдирида устозлар алоҳида ўринга эга. Ўғрилиқ қилган боланинг ўғрилигини яшириб, ўзигагина насихат қилган, безори болаларга маърифат билан муомала қилган, “Менинг ишим дарс ўтиш”, дея ўқувчиларини ўз

ҳолига ташлаб қўймасдан ҳар бир болага эътиборли бўлиб, уларга кўмак берадиган муҳтарам устозлар бор.

Бизга илм берадиган, отадек улўдея эътироф этиладиган бу касб эгалари ҳақида динимизда кўп гапирилади: **«Аллоҳ сизлардан иймон келтирганларнинг ва илм берилганларнинг даражаларини кўтаради. Аллоҳ нима қилаётганларингиздан хабардордир»** (Мужодала сураси, 11-оят).

“Сиздан миннатдорман, менга ҳеч ким ишонмаган вақтда сиз ишонч билдингиз. Бугун сиз сабаб талаба бўлдим”, дейдиганлар бор. Азиз устоз, сиз қайсини танлайсиз? Вақтлар ўтиб сизга қандай мурожаат қилинса, хурсанд бўласиз?

Устозлик, аслида, юксак мақом. Шундай экан, шарт-шароитлар қандай бўлишидан қатъи назар, ҳар бир ўқитувчи юқоридаги муаллим каби ўз касбига виждонан ва моҳирона ёндашиши ҳамда ўқувчиларни дарсларга қизиқтира олиши, уларга ота-онасидек меҳрибон бўлиши керак.

Шундай эмасми?!

Нурсора ҒАЙРАТОВА



Таълим ўзи нима?

Таълим нима учун керак? Унинг киши ҳаётидаги ўрни қанчалар муҳим? Расмий мактабда олинган илмнинг ҳаёт мактабида эгалланган билимдан устун ё қусурли жиҳати борми?

Ҳар сафар болаларим мактабида бирор жиддий ҳолат бўлса ё ўқитувчи ўқувчини, ҳатто ўқувчи ўқитувчини ургани ҳақида хабар тарқалса, шу саволлар гирдобиди қоламан. Таълим ўзига юкланган асл вазифани бажарган ҳолда, албатта, керак. Унинг қиймати ниҳоятда баланд, ҳатто инсон умри билан ўлчанар даражада. Таълимнинг бор-йўқлиги кишининг сифатли ё сифатсиз яшашини белгилайди. Ўз соҳибининг яхши, тўлақонли турмуш кечиришини таъминлайди. Жамиятдаги обрўси, мақоми ва даражасини кўтарди.

Илм сизнинг қайси дорини ичиш, қуёш иссиғида юришингиз зарарлигини билишдан тортиб, 170 км/соат тезликда келаётган машинанинг олдини кесиб ўтиш ҳалокатли эканини тушунишингизгача иштирок этади. Илм болангизни ичиш, чекиш каби иллатлардан, уни хафа қилиб бўлса-да, қайтаришдан тортиб, ўз кун тартибингизни соғлом уйқу билан таъминлаш заруратини англашингизгача акс этади.

Таълим ҳаётнинг барча соҳасига кириб борган. Таълим йўқ соҳанинг ўзи йўқ. Фақат бири расмий тан олинган, иккинчиси ҳаёт хатолар қилиш эвазига тажриба шаклида берган таълимдир. Мисол учун деҳқон ернинг шўрини ювмасдан экин экмаслик кераклигини тажриба туфайли билади, йиллар давомида ер илмини эгаллайди ва миришкорга айланади.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда бундай дейди: «Сен: **“Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлармиди?!”** деб айт. Албатта, **ақл эгаларигина эсларлар»** (Зумар сураси, 9-оят).

Мужода ла сурасининг 11-оятида эса илмли кишилар Аллоҳнинг ҳузурида бошқалардан кўра юқори мартабада туришлари марҳамат қилинган: **“Аллоҳ сизлардан иймон келтирганларнинг ва илмга берилганларнинг даражаларини кўтарур”**.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ким илм талаб қилиш йўлига тушса, Аллоҳ унга жаннатнинг йўлини енгиллаштиради”**, деганлар (Имом Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривояти).

Абу Дардо розияллоҳу анҳу айтади: «Расуллуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва сал-



ламнинг қуйидагиларни айтганларини эшитдим: **“Ким илм талаб қилиш йўлига юрса, Аллоҳ унга жаннат йўлини осон қилиб қўяди. Албатта, фаришталар толиби илмни рози қилиш учун қанотларини қўяди. Албатта, олимга осмондаги зотлар, ердаги зотлар, ҳатто сувдаги балиқлар ҳам истиғфор айтади. Олимнинг обиддан фазли худди ойнинг бошқа юлдузлардан фазлига ўхшайди. Албатта, олимлар пайғамбарларнинг меросхўрларидир. Албатта, пайғамбарлар динорни ҳам, дирҳамни ҳам мерос қолдирмаганлар. Албатта, улар илмни мерос қолдирганлар. Ким ўшани олса, улўғ насибани олибди”**» (Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ривояти).

Илмли одам ҳар жойда қадрланади. Икки дунё саодатига эришиш учун ҳам илму ирфон билан машғул бўлмоқ керак. Шундай эмасми?!

Муҳайё ЙЎЛДОШ

50 ёшдан кейин...

Абу Дардо розияллоху анху-дан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Албатта, Аллоҳ дард ва шифони нозил қилган. Ҳар бир дард учун шифо бор. Бас, даволанинг. Фақат ҳаром ила даволанманг”** (Имом Ибн Ҳиббон ривояти), дедилар. Муслмон инсон келган касалликка сабр ва шукр қилади. Даво учун сабабини ахтаради.

“Касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал”, дейишади. Касаллик зўрайгандан кейин аввалгидай соғлом бўлиш учун кўп маблағ ва вақт сарфланади. Айниқса, ёш ўтган сари турли касалликлар юзага чиқади.

Шифокорларнинг таъкидлашича, 50 ёшдан кейин аёллар ўзларига эътиборли бўлишлари лозим. Режали равишда тиббий кўриклардан ўтиб туриш мақсадга мувофиқ.

Кўкрак беи саратони скрининги. 50 ёшдан ошган аёлларга ҳар йили маммографиядан ўтиши бу касалликни эрта аниқлаш имконини беради.

Бачадонбўйи саратони скрининги. Аёллар ушбу муҳим текширувни эътиборсиз қолдиради. Беморнинг ўз вақтида кўрикдан ўтмагани кўп ҳолларда салбий оқибатларга олиб келади.

Тўлиқ гормонал текширув. Эстроген ва тестостерон йиллар давомида ўзгариб борадиган асосий гормонлар-



дир. Бироқ бошқа гормонларни ҳам мунтазам текшириб турган яхши. Чунки уларнинг мувозанати мия, иштаҳа, тана ҳарорати ва бошқаларга таъсир қилиши мумкин.

Остеопороз диагностикаси. Суяклардаги кальций даражаси кескин пасая бошлайди ва бу кўпинча хавфли тизимли касаллик – остеопорозга олиб келади.

Қон босимини ўлчаи. Менопауза ва у билан боғлиқ ўзгаришлар туфайли аёлларда қон босими ошиши ривожланиши жуда кенг тарқалган. Агар у назорат остида бўлмаса, хавфли юрак-қон томир касалликлари юзага келиши мумкин.

Қонда шакар ва холестерин миқдорини аниқлаш. Қонда глюкоза даражасини текшириш иккинчи тоифа диабетни аниқлашга ёрдам беради. Ўз вақтида ва мунтазам равишда қон таҳлили топшириш инфаркт ва инсультнинг сабаби бўлган атеросклероз ривожланишининг олдини олади.

Ўғилой ИСМОИЛОВА,
гинеколог

Менга сўз бер: янгроқ, барҳаёт

Қутқар мени нафсимдан,
Аллоҳ!

Қўрқаман:
Гуноҳга ботсам баногоҳ,
Тиндирмагин:
Зикринг билан банд қил
Дилимни, тилимни...

Қутқар мени нафсимдан,
Аллоҳ!
Изтироб шунчалар оғирки,
э воҳ!

Кўксимга сиғмайди ахир бу
туйғу –
Сабр ва тоқатдан
берсанг-чи улгу...

Муттасил синалдим.
Синдим, йиқилдим.
Уйғондим, тирилдим,
Сенга интилдим...
Сен томон кетяпман,
йўлим йироқ қил,
Йўл сўнгида Сенга интиқ
дил:

Ё Аллоҳ,
Ё Аллоҳ...

Сен борсан, мангусан,
илтижо этгум –
Менга сўз бер: янгроқ,
барҳаёт...
Ахир шу сўз ила кўнгилга
етгум,
Ахир шу сўз ила бўлгум
барҳаёт.

Гули Нигор АВАЗОВА